

Аҳмад Чориев

МАЎНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

**«Миллий истиқлол ғояси» ва «Маънавият асослари»
курслари учун ўқув қўлланма**

Қарши
«Насаф» нашриёти
2004

Халқимизнинг минг йиллар давомида яшаб келаётган қадриятлари- инсон ҳаётининг туб- моҳиятини белгилаб берувчи Маънавият тушунчасининг боқий сарчашмасидир. Таниқли тарихчи олим Аҳмад Чориевнинг ушбу «Маънавият сарчашмалари » ҳам шу мавзуда.

Масъул муҳаррир:


доц. Нафас Шодмонов,
доц. Б.Баҳриддинова

Муҳаррир:

Темирпўлат Тиллаев

4702620202 - 245 245 - 2004
376(06) - 2004

© А.Чориев -2004 й.



10

СУЗ БОШИ

Маънавият ва мустақиллик тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тарихимизни, маънавиятимизни қанчалик чуқур ўргансак, мустақиллигимизнинг моҳиятини шунчалик чуқурроқ, тўлароқ англаб борамиз. Жонажон ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш учун, иқтисодий ислохотларни ҳеч камситмаган ҳолда, маънавий масалаларга эътиборни кучайтириш тақозо этилади, десак ҳато қилмаймиз. Бунини юртимиз истиқлолини дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз Президенти таъкидлаган эди.

Маънавият буюк келажак куриш учун курашилаётган мамлакатда ёшларни ана шу гоя руҳида тарбиялаш жараёнида алоҳида касб этар экан, у маърифат билан ҳам бевосита алоқада бўлади. Аслида буларнинг бирини иккинчисиз тасаввур этиш ҳам жуда қийин. Маърифат оламни билиш, уни идрок этиш демакдир. Оламни ўрганмасдан, идрок этмасдан бизни қуршаб турган табиат ва жамият қонунлари, умуминсоний қадриятлар моҳиятларини муайян даражада англаб етмасдан ҳақиқий маънавиятли, ватанпарвар шахснинг вужудга келиши мумкин эмас. Маърифатсиз киши маънавиятли бўла олмайди. Маърифатли, маънавиятли киши илмий гоя ва илмий мафкуранинг чин посбони, ҳақиқий фидоийсига айланади.

Идрок этиш тафаккур жараёнида содир бўлади. Кишиларни тафаккурга, фикрлашга чорлаш, даяват этиш асносида маънавиятли шахслар камол топтирилади. Бу жараёнга халқ ижоди, дунёқараш ва фикрий кашфиётлари асосида яратилган фалсафа, адабиёт, санъат ва ҳоказолар яхши воситалар. Лекин булар қаторида ижтимоий ҳодисалар аниқ далиллари таҳлилига асосланувчи тарих илмининг ўрни бекиёс. Шу маънода тарих фанлари доктори Аҳмаджон Чориевнинг «Маънавиятимиз сарчашмалари» китоби диққатга сазовор.

Унда маънавий тарбиянинг ҳам назарий, ҳам

амалий омилларига таянилган. Бу омиллар замон ва макон асосида танланади. Бу жуда тўғри йўл. Ҳар қандай воқелик, ҳодиса фақат ана шу тамойилларга таянилиб баҳоланади. Шу нуқтаи назардан китобга янги давр шахси бурч ва ҳуқуқларини белгилаб берувчи, кафолатловчи энг муҳим халқаро ҳужжатлар, мустақил Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент И.Каримов асарларидан намуналар назарий омиллар сифатида келтирилади.

Маънавий тарбиянинг назарий томони тарбияланувчини гоё билан қуроллантиришдан иборат. Биз аслида киммиз? Ўзбек халқи қайси йўлни танлади? Ҳукумат олиб бораётган ислохотларнинг моҳияти нималардан иборат? Тарбияланувчининг ушбу саволларига жавоб топиши мумкин бўлган мазкур ҳужжатлардаги ўринлар китобда батафсил шарҳланади. Халқимизга, айниқса ёшларимизга турли хилдаги вайронкор гоёларни, мафкураларни киритишга интилишлар бўлиб турган даврда бу китобнинг аҳамияти янада ортади.

Маънавий тарбиянинг амалий омиллари халқимиз тарихида шаклланиб мукаммаллик топган урф-одатлар, қадриятлардир. Китобнинг ҳар бир бобида бу амалий омилларнинг моҳиятлари очиб берилишини кўрамиз.

Китоб маънавий-маърифий соҳалар билан шугулланувчилар, олий ўқув юртларининг, шунингдек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари талабалари учун миллий истиқлол гоёси, мафкураси ва маънавий асосларидан билимларини бойитишга кўмаклашувчи зарур ўқув қўлланмаси бўла олади.

**Нажмиддин Комилов,
филология фанлари
доктори, профессор.**

ИСЛОМИЙ БАЙРАМЛАР ВА УРФ-ОДАТЛАР

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину-этиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий гурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқимизнинг кўп асрлик тарихий-маданий меросини ўрганиш имкони юзага келди. Ислом дини ва у билан боғлиқ урф-одатларни, анъаналар ва байрамларни ўрганиш ҳам ана шундай имкониятлардан биридир.

Азалий маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз бутун бўй-басти билан намоён бўлиб, кундалик ҳаётимиз ва онгимизга табора сингиб бормоқда.

Диний эътиқод тантанаси туфайли қадим Ўзбекистонимизда кенг кўламли савобли ишлар амалга оширилди.

Шулардан бири исломий рўза ва қурбон ҳайитларининг байрам қилинишидир. Рўза қамарий рамазон ойининг фарзларидан биридир. Маълумки, диннинг устуни ва таянчи намоз бўлса, жамиятнинг устуни закот, руҳники эса рўзадир.

Ҳар бир мусулмон 30 кун рўза тутиши фарз. Рўза кундузи ейиш, ичиш ва жинсий алоқа қилишдан ўзини тутишни тақозо этади. Рўза кишининг иродасини чиниқтирувчи, нафсини ўлдирувчи, мухтожларга раҳм-шафқат уйғотувчи исломий тадбирлардан

биридир.

Рамазон ойини ўтказиш учун мусулмонлар олдиндан тайёргарлик кўрадилар, унинг Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти, амаллари билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ёшларга ибратли ҳикоялар гапириб берадилар. Қуръони Каримдан қироат қилинади, ҳадислардан мисоллар келтириб, меҳр-муҳаббат, шафқат, нафсни тийиш, бошқалар билан аҳил яшаш, қари, заиф ва касалманд кишиларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш каби тадбирлар ўтказилади. Энг муҳими шундаки, рамазон ойи давомида кишилар ўртасидаги бирлик, аҳиллик, бир-бирларига ёрдам бериб яшаш ҳоялари ушбу одатлар негизини ташкил этади. Аммо исломий эътиқод ва тартибларга биноан ҳар бир урф-одатнинг ўз хислати, бир-бирларидан фарқи мавжуддир. Шу жумладан, Қурбон ҳайитининг ҳам. Шунинг учун энг аввало исломияда ушбу байрамнинг келиб чиқиши, хусусияти ва бошқа диний байрамлардан фарқи ҳақида гапириш вожибдир. Биз ушбу ўринда Рўза ҳайити билан Қурбон ҳайити хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Иккала ҳайит ҳам Пайғамбаримизнинг Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келган йиллари, яъни ҳижрий сананинг биринчи йилида жорий қилинган. Ана шу ҳайит намозларини тантанали равишда кўпчилик бўлиб ўқишга Расулulloҳ эркак аёлларни баробар таклиф ва тарғиб этганлар.

Рўза ҳайити ҳижрий ойларнинг ўнинчиси саналмиш Шаввол ойининг 1-3 кунлари нишонланади. Бунинг боиси Рамазон ойида 30 кун рўза тутган мусулмонлар зиммаларига юклатилган фарз амалини соғ-саломат адо этиб тутатганлари муносабати билан бир хурсандлик изҳор этиш демакдир.

Ҳайит намозига чиройли, тоза ва пок кийимлар кийиб, хушбўй нарсалардан сепиб, бир оз таом

танаввул қилиб, сўнг чиқилади¹.

Аслида «ҳайит» арабча сўз бўлиб, «ийд», «байрам» маъносини англатади. Исломга кўра ҳайит икки кўринишда байрам қилинади: Катта ҳайит (Қурбон ҳайити) ва Кичик ҳайит (Рўза ҳайити). Биринчиси араб тилида ва араб миллатларида Ийд ал-кабир, ийд ал-адҳа, иккинчиси эса Ийд ас-сағир, ийд ал-фитр деб аталади. Қурбон ҳайити халқ маросими ва қурбонлик қилиш билан боғлиқ. Рўза ҳайити эса рамазон ойи охирида оғиз очиш билан боғлаб нишонланадиган диний маросимдир. Ўрнатилган тартибга кўра, Қурбон ҳайити ҳижрий зул-ҳижжа ойининг 10-13 кунларида, Рўза ҳайити эса шаввал ойининг 1-3 кунларида нишонланади. Ушбу байрамлар билан боғлиқ, соф диний маросимларга намозгоҳда эрталаб намоз ўқиш, охираат қилганларни эсга олиб худойи, дуо-фотиҳалар ўқиш, фитр-садақалар бериш, қурбонлик қилиш кабилар қиради².

Барча ижтимоий воқеалар қатори дин ва диний урф-одатлар ҳам маҳаллий шароитга мослашади, асрлар давомида трансформацияга учраб, янги кўринишга ўтади. Исломий урф-одатлар ва маросимлар ҳам Турон (Мовароуннаҳр)га кириб келгач, маҳаллий аҳолининг қадриятларига қўшилиб кетди. Ушбу жараёнлар Ўзбекистонлик олим У.Қорабоев томонидан махсус тадқиқ этилган.

Ўрта аср байрамлари тарихида Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган байрамлар алоҳида ўрин тутади. Чунки бу байрамлар ўрта асрлардан бошлаб, аجدодларимиз ҳаётига жуда кучли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий таъсир кўрсатган.

Қурбон ҳайитида ҳаж амалларини адо этиш ва

¹ Фан ва турмуш №1 1990 й. Ҳайит қачон бошланган? 28-бет.

² Қаранг: Ислом. Справочник.-Т.: 1989.-300-301 б.

қурбонлик қилиш, рўза ҳайитида эса рамазон ойи ниҳоясида «огиз очиш» маросими, фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган.

Исломда кейинроқ яна бир байрам - **Мавлуд** (мавлуд анъабий) -Муҳаммад пайғамбарнинг тутилган куни (роббиал - аввал ойининг 12-куни) нишонлана бошланган. Мавлуд куни дуолар ўқилиб, пайғамбар шайнига мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йиғинлари уюштирилади, садақалар берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, «ҳайитлик» бериш, янги, тоза либослар кийиш, қўни-қўшнилар, қариндошлар, қариялар, касал, ночорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб кетган.

Ўтган асрларда диний байрамларнинг қандай ўтганлиги ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда **Қурбон, Рамазон** ҳайити байрамлари қандай ўтказилгани тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Зулҳижжа ойининг 10-куни бошланадиган Қурбон ҳайити мусулмонларнинг катта байрами бўлиб, у 3 кун давом этади. Бу байрамнинг рўза ҳайитидан 70 кун ўтгандан кейин нишонланиши Муҳаммад пайғамбар томонидан белгиланган. Мазкур ҳайитда ҳам Рўза ҳайитидагидек мусулмонлар жомеъ масжидида куёш чиққандан тахминан 15 минут ўтгач, 2 ракат намоз ўқиши керак.

Исломда «Қурбон» сўзи бирор жонлик сўйиб, уни Оллоҳнинг иўлига банишлаш маъносини билдиради. Пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссалом Оллоҳнинг синови билан ўз ўтиллари Исмоилни худо иўлига қурбонлик қилишга киришган пайтида тангри

таоло бир қўчқор юбориб, уни ўли ўрнига қурбонлик қилишга буюрган.

Шу боис ҳажга борганлар ва бой-бадавлат мусулмонлар зиммасига Қурбон ҳайити кунлари жонлик сўйиб қурбонлик қилишлари лозимлиги белгиланган. «Қурбонлик гўштидан таом тайёрлаган киши ўзи, оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан ейиши, сўнг уни қўшниларига ҳам бериши лозимдир»¹.

Қурбон ҳайити куни эрталабдан мусулмонлар Бухоро чеккасидаги намозгоҳга шошилишган. Имом, муаззин ва бошқа дин арбоблари амир келгач, азон айтишган. Сўнгра намоз ўқиш бошланган. Намоз ўқиш учун биринчи сафга сайд ва хўжалар туришган, амир эса улардан кейинги қатордан ўрин олган. Намоздан сўнг мусулмонларга амир инъом этган туя қурбонлик сифатида сўйилган. Амир, имом ва бошқаларга тўнлар кийдирилган. Бу маросимлардан сўнг мусулмонлар икки томони бозорга ўхшаш, савдо-сотиқ авж олиб кетган кўча бўйлаб уйларига йўл олганлар.

Ийди Рамазон арафасида кишилар бир-бирларига мулоимлик билан муносабатда бўлишлари лозим бўлади. Эрта тонгданоқ ҳамма сидқидилдан шундай кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтади, ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, беморлар ва қарияларни зиёрат қилади.

Рамазон ёз ойларига тўғри келганида кишилар куннинг иссиғи ва очликдан анча қийналишган. Чунки рўза тутганларга қуёш чиқишидан (тахминан эрталаб соат 5-6 дан) то кун боттунга қадар (тахминан кечки 9-10 ларда), яъни 14-15 соат овқат ейиш, сув ичиш мутлақо ман қилинган. Рўза тутиш тартиблари бузилмаслиги, яъни оч юриладиган вақтнинг тезроқ ўтиши ва очлик кишини қийнамаслиги учун мусулмон-

¹ Рўза ва ҳайит намозлари. Т. «Фан» 1991; 12-бет

лар кундузи ухлашган. Бозор, дўкон, чойхоналар кундузи берк бўлиб, кечга яқин ишга тушган. Ислон эътиқодича, рўза кишидаги сабр-тоқатни, меҳроқибатни, тақвони синовчи имтиҳондир. Бунда ҳар бир имонли одам ўзини ўзи ёмон иллатлардан: ёлгон гапириш, бировнинг кўнглини ранжитиш, зулм қилишдан тияди.

Садриддин Айний ўз эсдаликларида баён қилганидек, Рамазон ойида дўконлар, саройлар, шунингдек, чойхона, ошхона ва сартарошхоналар ярим кечагача очик бўлган. «Расталар ва бозорларда, чойхоналарда ҳофизлар ашулаҳонлик қилар ва баъзи жойларда қиссахонлик бўларди. Мана шу ишларнинг жамини тунги бозор (бозори шаб) дейишарди, ...Баъзи кишилар, айниқса, тунги бозор ёпилганидан сўнг дўстлардан бирининг уйида тўпланишиб, баҳс ва ашулаҳонлик қилишар ёки бошқа ўйин билан кечани ўтказиб, тонг отар қилишар эди... Маҳаллалардаги масжидларнинг кўпчилигида «Қуръон хатми» бошланарди...»¹.

Рамазон ойининг бошланганини одамлар осмонда янги ой пайдо бўлганидан билишган. Бироқ, мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам янги ойни кўришолмаган. Шу сабабли, икки нафар ёки ундан кўпроқ одам (бир умр ёлгон тўқимаган холис диндор мусулмонлар) қози олдига келиб, янги ойни кўрганлари ҳақида гувоҳлик беришлари керак. Агар қози уларнинг гувоҳлигини шариатга мувофиқ, деб топса, «Эртага рамазон» ёки «Эртага ҳайит» деб расман эълон қилади².

С.Айний бу байрамга турли нуқтаи назардан таъриф беради. У Рамазоннинг диний моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Рамазон» диний анъаналар

¹ Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: Шарқ, 2002.

² (Бу ҳақда қаранг: С.Айний. Асарлар.-Т.: 1966. 7-том, 187-бет)

билан «муборак ой», тоат-ибодат қилиш оyi саналади. Бу анъаналарга мувофиқ, мусулмонлар рўза тутар, беи вақтлик муқаррар намоз устига, ҳар кеча таровех намози ўқишар, аксар масжидларда эса таробех, намозидан ташқари, «Қуръон» ни бқшидан охиригача ўқиб чиқиш билан тонг орттиришар, хонақоҳларда шайхлар ўз муридлари билан ойнинг охириги ўн кунда «даханишинлик» ўтказишарди ва ҳоказо».

Тарихчи олим Омонулла Бўриев Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган аجدодлар руҳига сизиниш, уларни эслаш удуми рамазон ойида ислом ақидалари билан уйғунлашиб кетганлигини таъкидлайди. Жумладан, ёш болалар эзгу ниятлар билан рўза оқшомлари Тошкентда уйма-уй юриб қуйидаги сўзлар билан бошланадиган рамазон ашуласини айтганини маълум қилади:

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Қўчқордек ўғил берсин бешигингизга.*

Болаларга хонадон соҳиби пул, ширинликлар улашади. Умуман, рўза ойида мусулмонлар одатдагидан кўпроқ хайр-эҳсон қиладилар¹.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динидаги байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, шукрона қилиш кунларидир. Бу улут кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб табриклаши, ҳол-аҳвол сўраши хайрли ишлардан саналади.

Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, байрамлар ўтказиладиган жойларга махсус масжидлар қурилган. Кейинчалик бу масжидлар Ўрта Осиё шаҳарларининг

¹ О.Бўриев, Муродбахш кунлар. -Т: «Фан», 1992.-14-15 бетлар.

муҳим таркибий қисми бўлиб қолган. Улар Қурбон ҳайити, Рамазон (ийд-ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Бу масжидларнинг моҳияти бир хил бўлса-да, улар турли жойда турлича номланган: «Намозгоҳ» (намоз ўқиш жойи), «Мусаллаал-ийд» (байрам куни намоз ўқиш жойи), «Ийдгоҳ» (байрам ўтказиш жойи) ва ҳоказо. Байрамлардан асосий мақсад - халқни мусулмон дини асосида бирлаштириш бўлган. Байрам ўтказиладиган жойларда мажлис, намоз ва қурбонлик каби диний анжуманлар уюштирилган. Баъзан шохлар ва ҳукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда халқ учун катта зиёфатлар ҳам беришган. Хонадон соҳиби рамазон ойида бирор кунни белгилайди ва ўзи истаган кишиларни таклиф этади. Қурби етган жонлик сўяди, етмагани йўқ.

Мезбон дастурхон ёзиб, куни билан рўзадор юрган одамлар қорнини тўйдиради. Ифторликка бирор домла ёки имом таклиф этилиб, рўза, рамазон кунлари ҳақида суҳбатлар бўлади. Аёллар иштирокидаги ифторликка отин таклиф этилади. Ифторлик ўтказишнинг туб моҳияти камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар қорнини тўйдиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда оч-наҳорлар бир четда қолиб, ўзига тўқ, кишиларни ифторликка таклиф этиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ҳайитлик бериш хурсандчилик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат белгисидир. Кишилар ҳайитда оналарига, оила аъзоларига, фарзандларига кийим-кечаклар инъом этишади.

«Қурбонлик» - «яқинлик», «Худоба яқинлашиш» деган маънони билдиради. Шунингдек, қурбонлик Худонинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, унга миннатдорчилик билдиришни ифодаловчи маросимдир.

Қурбонлик одати қадимдан кўпгина қабилалар,

халқлар ва деярли барча динларда мавжуд бўлган. У турлича тарзда (масалан: одам ёки унинг танасининг бир қисми, шунингдек, ҳайвонларни қурбон қилиш ва бошқалар) амалга оширилган. Қадимда баъзи халқлар (жумладан, сомиий, араб, яҳудийлар) ўз қулларини ва фарзандларини (ўғил ва қизларини) ҳам қурбон қилишган¹.

Қурбонлик маросими муқаддас диний китобларда, хусусан, «Инжил» ва «Қуръон»да ўз ифодасини топган. «Қуръон»нинг «Кавсар» сурасида Муҳаммад алайҳис-саломнинг бобоси - Абдул Муталлиб Зам-зам булоғининг суви камайиб қолганида, сувни кўпайтиришини Худодан тилиб, ўз ўғилларидан бирини қурбонликка атагани ҳақида ривоят бор. «Инжил»даги ривоятда Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун тўнгич ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганида, Худо уни тўхтатиб, боланинг ўрнига қўчқорни сўйишга буюрган². «Қуръон»да келтирилган ривоятда эса Иброҳим ўзининг иккинчи ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлади.

Бу борада Қуръони Каримнинг 37-«Вас-соффот» сурасида қуйидагиларни учратамиз:

102. Бас, қачонки у (отаси) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй, ўғилчам, мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин», - деган эди, у айтди: «Эй, отажон, сенга (тушингда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилгин.

Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсан».

103. Бас, қачонки, иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) бўйин суниб, (Исмоилни қурбонликка) пешонаси билан

¹ Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: Шарқ, 2002.

² Инжил. Борлик, китоби, 22-боб. 1-13 бандлар

(ерга) ётқизган эдики,

104. биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим!

105. Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз».

106. Албатта, бу (қурбонликка буюришим) айна синовдир.

107. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (кўчқор) сўйишни эваз қилиб бердик¹. Даврлар ўтиши билан одамни қурбон қилиш одати ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш маросими вужудга келган.

Ислом дини тараққий этган сари қурбон ҳайити мусулмонлар бирлашадиган, ҳамдард бўладиган кунга айлана борган. Шунингдек, у мусулмонларга фарз бўлган бешинчи руқун - ҳажни адо этадиган, яъни Исломнинг муқаддас марказларини зиёрат этадиган асосий кунга ҳам айланган.

Қурбон ҳайити муносабати билан 1990 йил Ўзбекистон Президенти Фармони асосида илк бор мамлакатимиздан 500 кишининг Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадинага бориб, ҳаж қилиш шарафига муяссар бўлиши улкан воқеа бўлди. 23 июндан то 11 июлгача, яъни 18 кун давом этган бу сафарда Саудия Арабистони подшоси Фаҳд ибн Абдулазиз ўрта осиелик мусулмонларга алоҳида мурувват кўрсатиб, уларни ўз ҳисобидан ётоқ, уч маҳал овқат ва улов билан таъминлади.

Жидда, Макка ва айниқса, Мадинадаги муқаддас жойларни, яъни қабрларни, масжиди Кубо ва масжиди Қибла тайинни ҳамда Уҳуд тоғи ёнбағрида бўлган тарихий жанг жойини зиёрат қилиш ҳамюртларимиз қалбида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ватан-

¹ («Қуръони Карим», Тошкент: «Тошкент ислом» университети», 2001 йил, 449-450-бетлар).

дошларимиз муқаддас жойларда ҳаж урф-одат ва маросимларини бажариб, қурбонликлар қилишди. Ислом одатига кўра, ҳажга борган, яъни муқаддас Каъбани зиёрат қилган кишилар Ватанига ҳожи фахрий унвоғига эга бўлиб қайтишади.

Ҳаж қилишга бориш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кўпчилик ўз юртида имкониятига қараб, қурбонлик қилиш билан бирга, ислом байрамларининг асосий маросимини, яъни эрта тонгдаги намозини бажо этиш билан кифояланади.

Кейинги вақтларда Қурбон ҳайити кўпроқ мотам маросими, яъни марҳумлар ўтган фотиҳали хонадонларга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш кунига айланиб қолмоқда. Бу юмушлар бошқа кунларда ёки ҳайит арафасида бажарилса ҳам бўлаверади. Қурбон ҳайити - бу хурсандчилик кунини. Қурбон ҳайити байрами, энг аввало, тирикларнинг бир-бирини йўқлайдиган кунидир. Шу боисдан бу кун ота-оналар, қариялар, етим-есирлар йўқланиб, уларга қўлдан келганча мурувватлар кўрсатилади, совға-салом («ҳайитлик», «бозорлик»)лар берилади.

Қурбон ҳайити барча кишилар учун хурсандчилик ва иноқлик кунини бўлиши лозим. Шунинг учун бу кун одамлар, миллатлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар унутилиб, гина-қудратлар кечириладиган санага айланмоғи лозим. Бу кунда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, инсонийлик каби ҳислатлар улуғланмоғи зарур.

Лайлат ул-қадр. Лайлат ул-қадр кечаси ҳақида Қуръони Каримнинг «Қадр» сураси (97-сура) ҳикоя қилади. Унинг мазмуни: «*Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлашман).*

1. Албатта, Биз уни (Қуръонни) Қадр кечасида нозил қилдик.

2. (Эй Мухаммад) Қадр кечаси нима эканини сизга ким ҳам эслатур ?!

3. Қадр кечаси минг ойдан ҳам яхшироқдир!

4. У кечада фаришталар ва Рух (Жаброил) Парвардигор изни билан-(йил давомига қилинадиган) барча ишлар режаси билан (осмондан Ерга) тушарлар.

5. У кеча тонг отгунча фаришталарнинг мўминларга берадиган саломларидан иборатдир».

«Қадр» сўзининг турлича маънолари бор. Жумладан, қадр-қиммат, ўлчов, миқдор. Бу ерда уларнинг ҳар бири тўғри келаверади. Зеро, бу кечанинг қадр-қиммати минг ойдан улутлиги ва бу кечада бир йиллик ишлар ўлчаниб, режалаштирилиши бунга далолат бўла олади. Бу улуг кеча Рамазон ойининг 27-кечаси эканига далолат қиладиган ҳадис ва ривоятлар кўп¹.

Пайгамбаримизнинг кўрсатмаларига биноан, мусулмонлар Лайлат ул-қадр кечасини Рамазон ойининг 26- дан 27- кунига ўтар кечасида қугиб олишади. Бу кечада осмон фаришталари Жаброил алайҳиссалом билан бирга Ер юзига тушиб, мўмин-мусулмонларга салом айтиб, дуоларига «омин» деб турадилар.

Дин аҳли орасида тарқалган ривоятларга қараганда: «Аллоҳ таоло қадр тунини уйғоқ ўтказган ҳар бир мусулмонга истаган тилагини беради. Жумладан, қадр кечасида уйғоқ бўлишдан мақсад, тилаклари шу туннинг фақат бир лаҳзасида ҳал бўлиши ва ҳатто, бир пасгина мизғиган киши ҳам ўша онни ўтказиб юбориши мумкинлиги таъкидланади»². Кўпчилик таровеҳ намозидан кейин масжидда қолиб, олимлардан масала-маъваза эшитиб, қадр кечасини бедор ўтказади.

¹ (Таржима ва изоҳлар Абдулазиз Мансур қаламига мансуб. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Т. 2001.).

² О. Бүриев. Муродбахш кунлар. - Тошкент: «Фан», 1992, 15-16-бетлар.

Кўпчилик оила аъзолари билан биргаликда яхши тилакларни кўнглига тутиб, Қуръон ўқиб, тоат-ибодат билан ўтказади.

Ўзбекистонда Нақшбандий тариқатига мансуб аҳли динлар Рамазон ойини ўзига хос удумлар билан ўтказадилар. Рамазоннинг дастлабки кунлари Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий ватанида ҳатми қуръон бошланади. Уч-тўрт кунда қорилар томонидан навбат билан қуръон қироат қилиниб, хатм қилинади. Наҳорлик ва ифторлик ош тортилади. Сўнг Тошкентга келиниб, бу ердаги хонадонларда ҳам ҳатми қуръон қилинади. Рамазон ойининг 26-, 27-, 28-кунлари Нақшбандий пири хонадонига барча муридлар тўпланиб, лайлат ул-қадр ҳам пирнинг хонақоҳида кутиб олинади. Ишқи илоҳий байтлар ўқилади. Аҳли тариқатлар бутун дунё халқларига тинчлик тилаб дуо қиладилар. Қалблар мумдек эриб, кўз ёшлар тўкилади. Лайлат ул-қадр (кечаси) меҳр-оқибат, илоҳий поклик кечаси сифатида инсонлар маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган.

Меърож. Мусулмонлар учун хайрли ойлاردан бири Ражаб ойида яна бир муродбахш кун бўлиб, аниқроғи тун бўлиб, у «меърож туни» номи билан машҳурдир. Бу тунни мусулмонлар тоат-ибодатда ўтказадилар. «Меърож» арабча - «учиш», «кўтарилиш», «тунги саёҳат ва осмонга кўтарилиш» демакдир.

«Ушбу тунда Муҳаммад пайғамбар Аллоҳнинг инояти билан Маккадан Қуддуси шарифга ва у ердан коинотга парвоз қилган, Аллоҳ билан мулоқотда бўлган ва ислом шариати учун бир қатор кўрсатмалар олиб қайтган. Унинг аниқ вақти, одатда, 621 йил 27-ражаб, деб белгиланган. Жумладан, Меърож тунида Аллоҳ мусулмонларга 5 вақт намоз ўқишни шарт қилиб қўйганлиги, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, гуноҳ-корларнинг дўзахда қийноққа олинishi кабиларни

маълум қилган»¹.

Ҳар йили Ражаб ойининг 27-кунида Меърож ёки Ражаб байрамида марҳумларни ёд этиш, ис чиқариш, мазкур ойда рўза тутиш савоб ишлардан бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган кунларида - мавлуд ўқилганида эслаб ўтилади.

Рамазон жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган ойдир.

Ислом таълимотига кўра қарийб ўн тўрт асрдан буён башарият рушду ҳидоят йўлига даъват этиб келаётган Қуръони Карим мана шу муборак Рамазон ойида нозил бўлган. Шу боисдан ҳам Рамазон ойи муқаддас, бу ойда мусулмончиликнинг асосий руҳларидан бири рўза тутиш фарз этилган. Бу кун ҳам, албатта, ислом динининг бошқа асосий устунлари сингари ўз-ўзидан шакланмай, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ тарихий босқичларда юзага келган.

Ислом таълимотига кўра, рўза ойининг жорий этилиш тарихига назар ташлар эканмиз, қуйидагиларни таъкидлаш лозим: милодий ҳисобнинг 622 (ҳижрийнинг бириччи) йилида Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларида бу маскан аҳолиси орасида ашуро (муҳаррам ойида ўн кун рўза тутиш) одат бўлган. Кейинчалик, аниқроғи Пайғамбаримиз алайҳис-салом ҳижратларидан сўнг 17-18 ой ўтгач, яъни 623 йилнинг охирларида унинг ўрнига Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарз қилинди².

Рўза тутиш катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида - «уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рўзадорнинг

¹ О. Бўриев. Муродбахш кунлар. - Тошкент: «Фан», 1992, 10-бет.

² Убайдулла Уватов. Иймон нури. - Тошкент, «Ёзувчи», 1996 й. 83 бет.

дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ, жабр кўрган кишининг дуоси», дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига яққол далилдир.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтиш керакки, муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан бошқа яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар энг муҳими Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси - «Лайлатул қадр» (тақдир кечаси)дир. Ислом таълимоти асосчиси ва саҳобалар шаҳодатича, Қуръони Карим айнан шу «Лайлатул қадр» кунида илк марта нозил бўлган. Бу ҳақида муқаддас китобда ҳам очиқ-ойдин баён қилинган. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуг айём сифатида алоҳида нишонланади. Муқаддас аталишининг боиси шундаки, Қуръони Каримнинг «Ал-қадр» сурасида «бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир» дейилган. Рамазон ойида, шунингдек, ислом тарихида муҳим ўрин тутган воқеалар силсиласи содир бўлган. Улардан 6-рамазон - Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси имом Хусайн туғилган кун, 10-рамазон Муҳаммад алайҳиссаломнинг, биринчи завжаи муҳтарамалари Ҳадича онамиз вафот этганлар, ўн еттинчисининг тонгида машҳур Бадр жанги бўлган ва ўша кун пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккаи Мукаррамага музаффар кирган кунларини ва бошқа тарихий воқеаларни санаб ўтиш мумкин.

Ўғтиз кунлик рўзанинг хотима топиши, мана деярли 14 асрки, бутун ислом оламида Рамазон (бизда у рўза ҳайити ёки ийди ал-фатр- оғиз очиш байрами номлари билан ҳам юритилади) ҳайитига боғлиқ махсус тантанали маросимлар билан нишонланади.

Рўза ҳайитининг жорий этилиш тарихи ҳақида ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари бўлиб, ватандошимиз буюк муҳаддис олим Абу Исо ат-Термизий ривоят қилади: Пайғамбар алай-

ҳиссалом Мадинаи Мунавварага келганларида воқиф бўдиларки, шаҳар аҳли (йилда) икки кун ўйин-кулгу, хурсандчилик билан машғул бўлар экан. Шунда Расулulloҳ: «бу икки кунда ўйин-кулгу қилишингизнинг боиси нимада?» - деб сўрадилар. Улар: «бу икки кунда биз жоҳиллик давридан бошлаб хурсандчилик қиламиз», деб жавоб қилдилар. Расулulloҳ: «Аллоҳи таоло бу кунларингизни яхшироқ бошқа икки кунга явм ал-адха (қурбонлик куни) ва явм ал-фатр (оғиз очар куни)га алмаштирди», дедилар. Шу тариқа исломдаги икки улуг байрам - Рўза ва Қурбон ҳайитларига асос олинган ҳамда улар асрлар оша мусулмонларнинг энг мукаррам ва муқаддас байрамлари сифатида нишонланади. Жумладан, пайгамбар алайҳиссалом давридаёқ, бу байрамларнинг оммавий ўйин-кулгу, улуг шодиёналик билан нишонлангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Масалан, Расулulloҳнинг суюкли завжалари Ойша онамиз шундай деганлар: «Ҳайит кунларининг бирида мен икки жория қизларнинг ашулаларини мароқ билан эшитиб ўтирган эдим, қутилмаганда отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар ва бизни хурсандчиликка берилганимизни кўриб, уч марта «Бу шайтон наволарикун», - деб бизларни койиб кетдилар. Шу дамда ногаҳон Расулulloҳ ҳам келиб қолдилар ва отамга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолига қўйинг, зеро ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади! Бутун бизнинг байрамимиздир!» дея хитоб қилдилар.

Азалдан -Рамазон ойида одатдагидан кўпроқ ибодатлар адо этилади. Мискин, етим-есирлар ва бечора-ю муҳтожларга инъомлар, фитр садақалари тарқатилиб, хайру-эҳсонлар улашилади. Фитр-садақа бериш барча мўмин-мусулмонларга вожиб. Фитрнинг ҳайит намози-гача берилишининг замирида улкан халқпарварлик ғояси - ҳайит кунида ҳамма баробар хурсандчилик қилиб, муҳтожлик сезмаслиги мақсади мужассамдир.

Рамазон ҳайити дўстлик, иноқлик, тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, одамийлик, ватанпарварлик, поклик, шукронаи неъмат каби юксак инсоний фазилатлар намоён бўладиган улуғ айёмдир. Бу кунларда ўзаро гина-қудратлар упутилади. Ихтилофу келишмовчиликларга барҳам берилиб, билиб-билмай қилинган гуноҳлар кечирилиб, айблар ҳам мағфират этилади. Бу хусусда ўрта асрда яшаган ироқлик машҳур тарихчи ибн ан-Навзийнинг (116-1201) ўн жилдлик «Ал-Мунтазам» номли йирик асарида келтирилган кичик бир маълумот диққатга сазовордир.

«1011 йили Рўза ҳайити арафасида улуғ вазир Бағдод музофоти қамоқхоналарини назорат қилиб айланади ва муборак ҳайит муносабати билан енгил жазоланганларни ва тавбадорларни ҳибсдан озод қилади. Бир динордан ўн диноргача қарзи учун қамалланларни буткул озод қилиб, ундан ортиқ қарзи учун жазо муддатини ўтаётган махбусларни эса кафиликка олиб, байрам кунларини ўз оилалари билан ўтказиб қайтишлари шарти билан уларга ҳам рухсат беради»,- деб ёзади нозиктаъб муаррих.

Тавротда таъкидланишича, Тангри таоло Иброҳим алайҳиссаломни синаб кўриш учун унга ўғли Исҳоқ алайҳиссаломни қурбон қилишни буюради.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исҳоқ алайҳиссаломни Аллоҳ йўлида қурбон қилиш учун энди бўғизламоқчи бўлганида осмондан Тангри таолонинг фариштаси пайдо бўлиб, хитоб қилди: «Биз билдикки, сен Тангридан қўрқасан, яккаю ягона ўғлингни аямадинг, ўсмирга қарши қўл кўтарма, унинг ўрнига Тангри юборган кўчқорни қурбон қил»,-деди. Иброҳим орқасига бурилиб қараса, чакалақда шохларга уралашиб қолган бир кўчқорни кўрди. Иброҳим алайҳиссалом бориб, кўчқорни олиб келди ва уни ўғлининг ўрнига сўйиб қурбонлик қилди.

Ушбу воқеа хусусида уламолар ўртасида ихтилоф бор: қурбонлик Исҳоқми ё Исмоилми? Арабларда қурбонлик Исмоил, яҳудийларда эса қурбонлик Исҳоқ эди, дейдилар. Бу ихтилоф шунинг учунки, яҳудийлар ва христианлар Исҳоқ алайҳиссалом уруғидан бўлганликлари ва диний мартабаларини кўтариш учун шундай дейдилар. Баъзилар эса қурбонлик иккови деб шаҳодат берадилар. Бизга маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалом ҳазрати Исмоил алайҳиссалом уруғидандирлар. Бир ҳадисда Расули акрам айтадилар:

«Ана ибну забиҳайни» (яъни «икки бўғизланувчининг ўғлиман»). Икки бўғизланувчи қурбонлик - ҳазрати Исмоил алайҳиссалом ва Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ бўлганликлари учун юқорида айтилган ҳадис келтирилгандир.

Исломда эса Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг отаси Абдуллоҳни қурбон қилиш воқеаси қуйидагича бўлган экан.

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг отаси Абдуллоҳ унинг отаси Абдулмутталиб, унинг отаси Ҳошим, унинг отаси Абдуманнофдир. Хабар берилишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси Абдулмутталиб вақтида Замзам қудуғи қуриб қолди. Шунда Тангри таолонинг хоҳиши билан Абдулмутталиб: «Агар Тангри азза ва жалла қудуққа сув берса бир ўғлимни қурбон қиламан», деди.

Баъзи уламоларнинг фикрига кўра, Абдулмутталиб айтибди: «Агар Тангри азза ва жалла менга ўн ўғил берса, ҳаммаси соғ ва саломат бўлса, жанг куни ҳаммалари олдимда мардона турганларини кўрсам, уларнинг бирини Тангри таоло учун қурбон қиламан». Ўша пайтда Абдулмутталибнинг ўн ўғли бор эди: Ҳорис, Абу Лаҳаб, Аббос, Ҳизор, Ҳамза, Муҳаддам, Жаҳл, Зубайр - ҳаммалари бир онадан. Абу Толиб билан

Абдуллоҳ бошқа бир онадан. Абдумутталиб Абдуллоҳни ҳамма ўғилларидан ортиқ севар эди. Қуръа ташлайман, қуръа кимнинг отига чиқса ўшани қурбон қиламан, деди. Қуръа Абдуллоҳнинг отига чиқди.

Абдумутталиб Абдуллоҳнинг қурбонликка сўймоқчи бўлиб турганида Абдуллоҳнинг она томонидан қариндоши Таймур деган киши Абдумутталибга айтди: «Шом вилоятида бир фол очувчи бор, унга киши юборинг, у нима ҳукм қилса, ўшанинг айтганини қилинг». Таймур Маккада жуда бообрў, ҳурматли киши бўлиб, унинг айтган сўзларини ҳеч ким икки қилмас эди.

Фолбин олдига бориб сўрашса, у дебди: «Абдуллоҳни турғизинг, унинг ёнига ўнта туя қўйиб қуръа солинг. Қуръа туяга чиқса, туяларни қурбон қилинг, Абдуллоҳ қолсин. Агар қуръа Абдуллоҳ отига чиқса, яна ўн туя келтириб, қуръа солинг. Шу тариқа туялар сони-ни ҳар гал ўнта-ўнтага орттириб бориб, қуръа солаверинглар, то қуръа туя отига чиққунича:». Шундай қилдилар. Туяларнинг сони юзтага етганда қуръа туя отига чиқди, юз туяни қурбон қилдилар, Абдуллоҳ қолди.

Шундан бери шариат бўйича эр баҳоси юз туя баҳосига тенг бўлиб қолди. Расули акрамнинг «Ана ибну забихайни» деган ҳадисининг маъноси шудир¹. Шунинг эса тутиш зарурки, Қурбон ҳайити энг аввало ҳар кимнинг имкониятига, ихтиёрига қараб ўтказиладди. Ислонда ҳамма қўчқор қурбонлик қилиши зарур, деган кўрсатма ёки талаб йўқ. Агар камбағал ва ночор одам қурбонлик қилмасдан уни бирорта савобли иш - қабристонни созлаш, ён-атрофларига кўчат ўтказиш кабиларни ҳам амалга ошириши мумкин. Ҳозирги Ўзбекистонда ўтказилаётган Қурбон ҳайити кунлари аҳоли ана шундай хайрли тадбирларга даъват этилади.

¹ Абдурахмонова А. Саодатга элтувчи билим.-Т.: «Моварауннаҳр», 2001. 66-67 б.

Қуръони каримда ҳажга борганлар ва бойбадавлат мусулмонлар зиммасига қурбон ҳайити кунлари жонлик сўйиб қурбонлик қилишлари вожиб қилинган. Қурбонлик гўштидан ўзи, оила аъзолари, қариндош ва қўшнилари баҳам қўришлик жоиздир.

Қурбонлик ҳайитининг намози ҳам худди Рамазон ҳайит намози каби ўқилади. Фақат намозгоҳга чиқишда наҳор чиқиш тавсия этилади.

Бу икки ҳайит кунлари барча мусулмонларга уларни нишонлаб турли рухсат этилган хурсандчилик ва ўйин-кулгилар қилиш шаръан жоиздир. Имом Насайй ривоят қилган бир ҳадиси шарифда айтиладики: «Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларида мадиналиклар қадимдан бир йилда икки кунни байрам қилар эдилар. Ул зот Оллоҳнинг амри билан шу икки кунни улардан яхшироғига, яъни Рўза ва Қурбон ҳайитларига алмаштирдилар».

Ҳазрати Ойшаи Сиддиқа (Расулуллоҳнинг жуфти ҳалоллари) ҳикоя қиладиларки: «Мен ҳайит кунлари Расулуллоҳ билан бирга ҳабашларнинг ўйинларига томоша қилиб ўтирар эдим. Роса кўриб тўйганимдан кейин қайтар эдик» (Бухорий ва муслим ривоятлари). Яна Ойша айтадиларки: «Бу ҳайит кунда мен иккита жория қизларнинг ашулаларига қулоқ солиб ўтирган эдим, беҳос отам Абу Бакр Соддиқ келиб қолдилар. Бизни бу ҳолда кўриб, уч марта «Бу Шайтон наволарикун!» деб койий бошладилар. Шунда ногоҳ Расулуллоҳ ҳам келиб қолдилар ва Абу Бакирга қараб: «Эй Або Бакр, уларни ўз хоҳишларига қўйинг. Зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади. Бутун бизнинг байрамимиздир», - дедилар».

Умму Атиййа (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи вассаллам бокира ва энди бўйига етган қизларини ҳам, паранжи ёпинган аёлларни ва ҳайз кўрган хотинларини ҳам

хайит намозларига чиқарар эдилар. Аммо ҳайз кўрган аёллар намозгоҳдан узоқроқда туриб, мусулмонларнинг дуоларига қўшилишарди. (Бир куни) аёллардан биттаси: «Ё Расулуллоҳ! (Аслининг) ёпинчиги бўлмаса-чи?» деди. «Унда дутонаси ёпинчиқларидан бирини бериб турсин! дедилар».

Амад ибн Манитъ, Хушайм орқали Ҳошим ибн Ҳассандан Сийрийн қизи Ҳафсадан, Умму Атиййадан бизга баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи...

Умму Атиййанинг ҳадиси Ҳасан-Саҳиҳ. Баъзи илм аҳллари шу ҳадисни эгалаб, хотин-қизларнинг ҳайит намозларига чиқмоқлари учун рухсат берганлар. Баъзиси эса буни макруҳ кўради. Ибнул - Муборақдан бундай дегани ривоят қилинди: «Хотинларнинг бу кун ҳайит (намозлари)га чиқмоқларини макруҳ кўраман. Агар хотин чиқаман деб туриб олса, эри уни ясантирмасдан, кунда киядиган кийими билан чиқмоғига изн берсин! Агар бу ҳолатда чиқишни қабул қилмаса, уни чиқмоқдан манъ этиши мумкин».

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан бундай деганлари ривоят қилинди:

«Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларнинг нималарни ўйлаб топганини кўрсалар эди. Бани Исроил аёллари манъ этилганидек, уларни масжиддан манъ этган бўлдилар»¹.

Шунинг учун ислом дини шиорларидан бири саналмиш ҳайит кунларида хурсандлик, тинч-тотувлик ва шукронаи неъмат билан ўтказишлик мақбулдир.

Бундай улут кунларда қариндошлар, ёру биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, табриклашиб ҳолаҳвол сўрашлари хайрли ишлардан саналади.

Рўза ҳайитига чиқишнинг маълум бир тартиблар и мавжуд эди. Улар энг аввало, Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломнинг муносабатларида акс этган. Бурайда

¹ Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий Сунани Термизий 1-жилд. «Адолат», 1999. -535-536 бет.

ибн Хусайб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди, айтди: «Набий салаллоху алайҳи ва саллам Рамазон ҳайити кунда бирор нарса тотмай туриб, намозга чиқмас эдилар, Қурбон ҳайити кунда эса намоз ўқимай туриб, бирор нарса тотмас эдилар».

Бу бобда Али ва Анас (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Бурайда ибн Хусайб Ал-Асламийнинг ҳадиси ғариб.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтади: «Савоб ибн Уатбанинг бундан бошқа ҳадисини билмаймиз».

Батъи илм аҳллари Рамазон ҳайитида бирор нарса тотиб намозга чиқмоқликни мустаҳаб кўрганлар. Мустаҳаб бўлган нарса эса хурмо емоқликдир. Қурбон ҳайитида эса намоздан қайтунича ҳеч нарса емайди¹.

542. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:

«Расулуллоҳ салаллоху алайҳи ва саллам Рамазон ҳайити кунда намозгоҳга чиқмасдан олдин бир печта хурмо танаввул қилар эдилар»². Бу ҳадис ҳасан - саҳиҳ-ғароб²⁶¹.

Ҳайит намози кун чиққандан сал кейинроқ ўқилади. Бомдод намозидан кейин то ҳайит намозигача мусулмонлар имом - хатибларнинг мароқли матърузаларига кулоқ солиб ўтирадилар. Намозларни адо этиб бўлгандан сўнг кишилар ўзаро кўришиб, сўрашиб, бир-бирларини ҳайит байрами билан табриклайдилар.

Бутун ислом дунёсида бўлгани сингари Туркистон заминида ҳам ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқилади, намоздан кейин марҳумлар руҳини хотирлаб дуои-фотиҳалар қилинади. Мўмин-мусулмонлар ота-оналари, дўсту биродарлари, кариндош-уруғларини ҳайит билан

¹ Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий Сунани Термизий I жилд. Тошкент, «Адолат», 1999. - 537-538 бетлар.

² Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий Сунани Термизий I жилд. Тошкент, «Адолат», 1999. - 538 бет.

кутлайдилар, бегобу ҳожатмандларни зиёрат қилиб, кўнглиларини кўтардилар. Отахону онахонлар, мўйсафидлар, яқин кишилар ва болаларга байрамона совғалар-ҳайитлар улашиш ҳам халқимизнинг азалий удумларидандир.

Сўнгги йилларда мустақил Ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса, истиқлол шарофати билан ҳаётбахш илдири узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ибратли тарихимиз, бой маданий меросимиз, удумларимизни ўрганиш ва тиклаш, ушбу бебаҳо бойликлардан халқни баҳраманд қилишда катта ишлар амалга оширилаётир. Халқимизнинг кўнглини хушнуд қилган бу хайрли ишларнинг ҳаммаси мухтарам Президентимиз Ислон Каримов собитқадамлик ва изчиллик билан олиб бораётган доно сиёсатнинг ёрқин самарасидир. Муборак динимиз равнақи йўлидаги ижобий ўзгаришлар, диндорларга яратилган улкан имкониятлар алоҳида таҳсинга сазовор. Виждон, эътиқод эркинлиги қондаларининг ҳаётга тўла тадбиқ қилина бориши Президентимиз фармонлари билан Ўзбекистонимиз тарихида биринчи маротаба диний байрамлар: рўза ҳайити байрами (ийд ал-фитр) ва Қурбон ҳайити байрами (ийд ал-адҳа) умумхалқ байрамлари сифатида биринчи кунлари дам олиш кунидеб эълон қилиниши том маънодаги оламшумул аҳамиятга молик воқеалардан бири бўлиб, диёримиз халқлари қалбини беҳад қувончга тўлдирди.

Мустақил Ўзбекистон халқининг дини, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча Рўза ва Қурбон ҳайитини байрам қиладилар.

Тарихий ривожланиш жараёнида Рўза ва Қурбон ҳайитлари билан боғлиқ яна бошқа урф-одатлар, маросимлар юзата келди, шаклланди ва маълум бир халқ қадриятлари сифатида ўтказилади.

Арафа кунлари қабристонга бориб, яқинлари мазорини зиёрат қилиш халқимиз учун одатга

айланган. Шу кунлари барча ҳовли ва кўчаларни тозалайдилар. Пишириқлар, тансиқ таомлар тайёрлайдилар. Ҳайит куни тонг ёриши билан катта-ю кичик тоза кийимларини кийиб, масжид ва намозгоҳларга бориб, ҳайит намозини жамоа бўлиб ўқийдилар. Сўнгра таъзияли хонадонларга бориб фотиҳа ўқиб қайтилади. Ҳайитнинг биринчи куни шаҳар ва қишлоқларда, кўпинча масжид ёки қадамжоларда сайил бўлган. Савдо ташкил этилган. Ҳайит кунлари (одатда уч кун) оилада катта-кичик бир-бирларини табриклайдилар, сиҳат-саломатлик, бахт тилайдилар; қавм-қариндош, қўни-қўшниларини ҳам табриклайдилар, бемор ва ногиронларни бориб кўрадилар; тўкин дастурхон ёзиб, таом пиришиб меҳмон кутадилар.

Шўролар ҳокимияти даврида, айниқса, қатагон йиллари мусулмон ҳайитлари тазйиққа учраган эди. Кўп йиллар давомида айниқса, зиёли ва фирқа аъзолари сайилларда қатнашганлиги, масжидда жамоа бўлиб намоз ўқиганлиги учун таъқиб қилинди. Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳайит намозларини ўташ ва ҳайит кунларини байрам қилишга кенг имконият берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан рўза ва қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳайит кунлари ва улар билан боғлиқ маросимлар батамом қарор топди, шунингдек, бошқа қадриятлар ҳам тикланмоқда¹.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг қўйидаги табригида республикамиз ҳукуматининг маънавий қадриятларини сақлаш, уларни умумхалқ меросига айлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда улардан унумли фойдаланиш мақсадлари ўз аксини топади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 1997.-543-бет.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА ТАБРИГИ

Муҳтарам биродарлар!

Аввало, сизларнинг барчангизни "юртимизга кириб келаётган муқаддас айём - Рамазон ҳайиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу табаррук байрамни бутун ер юзидаги мўмин-мусулмонлар энг пок ва эзгу туйғулар билан мунтазир бўлиб кутадилар.

Она заминимизга илоҳий марҳамат ёғилган мана шу қутлуг кунларда ҳар бир инсон, авваламбор, ўз оиласи, ўз яқинларига Аллоҳ таолодан бахт-саодат тилайди, эл-юртда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром, хайр-саҳоват ҳукм суришини, иймон-эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини сўрайди.

Бу муборак байрамнинг янги аср арафаси - 2000 йил бошига тўғри келгани ҳам бежиз эмас. Бу қутлуг айёмни руҳан покланиб, олижаноб орзу-умидлар билан кутиб олишимизнинг рамзий мазмуни, илоҳий маъноси бор. Бу ҳам бўлса, Яратганимиз бизга ато этган яна бир улуг неъматдир.

Мана шу фойзли кунларда одамларнинг бири-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, беморлар, қарияларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш- муқаддас Ислом динимизнинг энг улуг фазилатларидандир.

Шу маънода, мен мамлакатимизда бошланган Мурувват кунлари бутун йил бўйи давом этишини истардим. Чунки бундай ўлмас қадриятлар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, уларнинг исломий тарбияси орқали қалбимиздан, юрагимиздан теран жой олган.

Биз - бутун ислом дунёсида буюк хизматлари билан ном қозонган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотрудий, Имом Маргиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг бутунги авлодлари, истиқлол шарофати билан табарруқ Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитрни жаҳондаги барча соф ниятли мусулмонлар қаторида шоду ҳуррамлик билан байрам қилишга муяссар бўлганимиздан бахтиёрмиз.

Бу улуғ ва мўътабар байрам билан сизларни яна бир бор самимий қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат хонадонларингизга фаровонлик тилайман.

Менинг Аллоҳ таолодан доимо сўрайдиган тилагим - юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг боши омон бўлсин!

Рамазон ҳайитингиз қутлут бўлсин!

Ўзбекистонда Рўза ва Қурбон ҳайитларининг миллий-диний қадриятлар сифатида тикланиши республикамизнинг Шарқ давлатлари билан халқаро алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга йўл очиб берди. Деярли барча мусулмон давлатлари ҳар йили халқимизни ушбу байрамлар билан табриклайдилар. Бу ўринда Ислом Каримов номига келган табриклардан бир нечасини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Ислом аҳли муборак Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитрни нишонлаётган онларда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва ўз номидан Сизга энг самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Қодир Аллоҳ таоло шундай бахтиёр дамларни Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва хотиржамлик, биродар халқингизга ва бутун ислом умматига давомий тараққиёт ва фаровонлик ила ато айласин.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху.

*Биродарингиз, Икки муқаддас
масжид ходими Фаҳд бин
Абдулазиз Ас-САУД, Саудия
Арабистони Подшоҳи.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Муборак Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига давомли тараққиёт тилайман.

*Юксак эҳтиром ила, Зайд бин
Султон Ан-НАҲАЁН, Бирлашган Араб
Амирликлари Президенти.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига !**

Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу. Муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўлашдан бахтиёрман.

Аминманки, бу муқаддас байрам инсониятнинг бахт-саодати учун ислом дини тараққиёти ва ривожланиш йўлида дунёдаги барча мусулмонларни бирлаштиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

***Иажуддин Аҳмад, Бангладеш Халқ
Республикаси Президенти.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига !**

Инсоннинг олий фазилатлари намоён бўладиган қутлуг байрам- Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини муборакбод этаман.

Илоҳий марҳаматлар ёғиладиган муборак ойда ҳозир бўлишдек буюк бахтни ислом умматига насиб этиб, бирдамлик ва дўстлик йўлидан қадам ташлай олишлари учун иноят кўрсатган раҳмли Эгамга шукроналар айтаман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-

саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса иззат-икром ва юксалиш тилаб қоламан.

*Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига !**

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини самимий табриклайман ва шу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилайман.

*Аҳмет Неҳдет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
Жаноби Олийларига !**

Қурбонлик ва оила қадриятлари тўғрисида ўй-фикр юритиладиган ушбу муборак онда мен Америка халқи номидан Ийд ал-Адҳо-Қурбон ҳайити муносабати билан энг эзгу тилакларни изҳор этаман. Америка халқи бу қадриятларни Ўзбекистон халқи билан бирга баҳам кўради ва унга ўтган йилги мадади учун миннатдорчилик билдиради. Умид қиламизки,

мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик келусида ҳам ўсишда давом этади.

Самимият ила,

*Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти*

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов

Жаноби Олийларига !

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху. Муқаддас Ийд-ал Адҳонинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига шахсан ўзим ва Сурия халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, халқингизга эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан барча эзгу амалларимизни ислом уммати равнақига йўллашини сўрайман.

Самимият ила,

*Башар ал-АСАД, Сурия Араб
Республикаси Президенти*

ҚАДРИЯТЛАР - МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ САРЧАШМАСИ

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат.

Бу-мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу-инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг қонунлари ва эркинликларини таъминлаб борадиган давлатдир.

Ислом Каримов

XX асрнинг поёнида Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришди. Тарихдан маълумки, муайян ижтимоий-иқтисодий тузумдан янгисига ўтиш ҳеч қачон осон кечмаган. Ўтиш жараёни турли даврлар ва турли мамлакатларда турлича кечган. Маъмурий буйруқбозлик тамойили устувор бўлган тоталитар тузумдан бозор муносабатларига асосланган демократик жамият барпо этиш борасида Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ўзига хосдир. Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёт йўли, аввало, аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф одатларига таянади. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг ўз анъаналари, ўз фазилатлари ҳозир расм бўлган ибора билан айтганда, ўз менталитети, минг йиллик маданиятидан фахрланиш туйғуси бор. Шуни эсда тутгандагина биров-бир баҳо бериш мумкин. Шу

жумладан, ҳокимиятнинг ўрни, демократиянинг қарор топиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Халқимиз жуда меҳмондўст халқ, ўзбеклар бошқаларга хайрихоҳ, бу ижтимоий тотувликни таъминлашда бош омилардан биридир.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг миллий ўйғонишидadir. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбек она урф-одатларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбеклар ўзлигига ишона бошлади. Наврўз ва ҳайитларнинг тикланиши жуда савоб иш бўлди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Демак, миллий давлатчилигимизни қарор топтириш биз танлаган йўлнинг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз таъкидлаганларидек, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари жамиятимизда фақат қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг ўз онги, ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Жамоа бўлиб яшаш, жамоавийлик ўзбек халқининг менталитетига хос бўлган хусусиятлардан биридир. Айни жамоа бағрида одамлар бирдамлик туйғусини намоён этадилар. Ўзбек халқи характерининг бу хусусияти маҳаллада, хусусан, ҳашарларда яққол намоён бўлади. Ҳашар пайтида одамлар одатдагидан кўра кўтаринки кайфият билан меҳнат қиладилар. Ўзларининг барча имкониятларини умум манфаати учун ишга соладилар. Ҳашарда «меники», «сеники», «уники» деган гап бўлмайди. Кўринадики, ҳашарда

бирдамликнинг олий туйғуси намоён бўлади. Америкалик профессор Д.Карлайл ўзининг «Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Ўтмиш ва ҳозирги замон бор бўй-басти билан» деб номланган китобида ўзбек халқининг миллий ўзига хослигини шундай эътироф этади: «Ўзбеклар психологиясида жамоатчилик аломат тарзда индивидуализм билан қовушиб кетган. Ўзбеклар амалий ишни яхши кўрадилар, томошабинликни эмас, балки фаол ҳаёт кечиришни афзал кўрадилар. Ҳаётнинг моддий жиҳатларига қизиқиш улар учун тугал ҳаётий қадрият эмас, бироқ, фаолият мақсадини ҳам, мазмунини ҳам етарли даражада белгилаб беради. Ўзбеклар ўз ишларининг муваффақиятига умид боғлаган ҳолда маҳрумликларга ҳам чидашга қодирлар. Улар юксак интизомлилиги билан ҳам фарқланиб туришади. Ўзбек миллий характеридаги барча хусусиятлар мамлакат иқтисодий ҳаётини бозор йўналишида модернизация қилишнинг уддасидан муваффақият билан чиқишнинг салмоқли кафолатидир. Бу фақат оғизда- кўрсатмаларда ёки қоғозда декларацияларда бўлмай, балки амалда бўлади». «Ўзбекларда алоҳида илоҳий жасорат ва мардлик бор,- деб ёзади Д.Карлайл. - Ор-номус учун қурбон талаб қилинган оғир дамларда улар билан ҳеч ким тенг бўлолмайди».

Марказий Осиё муаммолари бўйича бошқа бир хорижий мутахассис Леонид Левитин жаноб Д.Карлайл фикрларини тўлдирар экан, бундай ёзади: «Ўзбекларга мушфиқлик ва ўзаро ёрдам ҳисси ғоят хосдир, улар ҳеч қачон қўшниларни кулфатда ёлғиз қўймайди, ёрдам сўраб келган бирон зотни кулфатда ёлғиз қолдирмайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон уруш сабабли ошиёенидан маҳрум бўлган юз минглаб одамларга ўз еридан бошлана берди, қалб қўрини бахш этди, қорнини тўйғазди ва бу билан қалби кенглигини

оламга намоиши этди. Таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғуломнинг уруш Ўзбекистонга улоқтирган болаларга қарата айтган:

«Чўчима, жигарим, ўз уйингдасан,

Бу ерда на гурбат, на офат, на гам,

Бунда бор: ҳарорат, муҳаббат, шафқат».

- деган гоят самимий қалб сўзларини унутиб бўладими...

Ўғлон ёшида лаънати уруш даҳшатларини бошдан кечирган фарзанд сифатида, Ғафур Ғуломнинг, темирчи Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи (ушбу оила уруш йиллари 14 нафар етим болаларни ўз паноҳига олиб, ўз фарзандидек тарбиялаган эди) кабиларнинг ёрқин хотираси ва менга таниш бўлмаган кўплаб ўзбекларнинг бағри кенглиги олдида тиз чўкиб, сажда қиламан. Мен ҳам улар наздида ўзиб бўлмас қарздорлик ҳисси билан яшаётганларнинг биридирман».

«Инсонга муҳаббат ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган», - деб ёзишган эди муаррихлар. Ўзбеклар ҳеч қачон ўзларини бошқа халқлардан юқори қўйишмаган, бошқа миллатларга бошқа дин кишиларига доимо ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишган.

Бу халқда она заминга муҳаббат илоҳийлаштирилган. Шунинг учун ҳам ўзбеклар ҳеч қачон юртини ўз ихтиёри билан тарк этишмаган.

«Халқимиз авлоддан-авлодга, аجدодлар заминига чуқур меҳр қўйиб, ҳар доим яқин ва узоқ, халқлар тақдирига бефарқ қарамаган, - деб таъкидлайди Ислом Каримов. - Ўз кучига ва ўз келажагига ишончи комил бўлган халқнинг бағри кең бўлади. Ўзбеклар қонида бошқа халқларга нисбатан қардошларча муносабат бўлгани учун Олоҳга шукрлар айтамиз. Республикада

яшаб турган барча миллат ва элат вакилларига адолат билан муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш бизда ахлоқий бурчга айланиб бормоқда. Озодликка чиққан, мустақилликни қўлга киритган халқ бошқаларга зулм қила олмайди. Биз - ўз қадрини билган халқмиз, биз ўз кучига ишонган халқмиз, биз бошқаларга ҳамдард бўла оладиган озод халқмиз».

Кечиримлилик, вазминлик, сабр-тоқатлилик ўзбек халқининг табиатини белгилайдиган асосий хусусиятлардан биридир. Халқимиз характерининг бу жиҳатлари ижтимоий бўҳронлар даврида тарихнинг синовидан яна бир бор ўтди.

Ҳап шундаки, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида Болтиқбўйи ва Кавказorti республикаларида, қўшни Тожикистонда миллий низолар ниҳоятда кескинлашган бир даврда Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик бардавом бўлиб, одамлар миллий ёки диний белгиларига қараб ажратилмади. Бир тузумдан янгисига ўтиш даврида мамлакатда иқтисод, сиёсат, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар замирида миллатлараро тотувлик, ижтимоий тенглик таъминлангани ётади.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос йўлни танлагани ўзбек халқнинг миллий тарихий турмуш тарзини, фикрлаш тарзини, халқ анъналари ва маҳаллий урф-одатлар, қадриятларни ҳисобга олиш билан муайян даражада боғлиқдир.

«Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади, - деб ёзади Ислон Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида. - Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- ватанпарварлик.»

Шахс ва ҳокимият тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда адолатнинг, инсон кадр-қимматининг устувор аҳамият касб этиши шахс эрки ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир демократик кадриятларнинг шакллангани умумбашарий цивилизациянинг бугунги кундаги буюк кашфиётларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Зотан, XX аср поёнида жамият ва давлат, шунингдек, фуқаролар билан давлат ўртасида тенглик ҳамда ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилувчи жамият сиёсий тизимининг демократик асосда фаолият юритишини таъминловчи ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Демократиянинг муҳим кадриятларидан бири фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг устувор шarti - ҳокимият идоралари ваколатларининг аниқ белгилаб қўйилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг мустақил, фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритишидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг илк даврларидаёқ ҳокимият тармоқлари ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш асосида демократик кадриятларни шакллантириш сари йўл тутилди. Президент Ислам Каримов бу жараённинг аҳамиятини таъкидлаб, бундай деган эди: «Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципларига асосланган тизим яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авюритаризм ва тоталитаризмнинг ҳуружларини истисно этадиган чинакам

демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди».

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган биринчи Конституциясида давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлиниши, уларнинг ўзаро муносабатлари ва фаолиятининг демократик тамойиллари илк бор асослаб берилди. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, асосий Қонунимизни яратишда жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотларнинг амалдаги ҳужжатларидан, шунингдек, халқимизнинг давлатчилиги соҳасидаги миллий анъаналаридан самарали фойдаланилди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақил давлатимизнинг қиёфаси, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос хусусиятлари ифодалаб берилди.

Конституциямизда «шахс, давлат ва жамият» ўртасидаги муносабатларнинг демократик давлатларга хос бўлган тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўзининг қонуний ифодасини топди. Бу жараённи демократик тамойиллар асосида янада ривожлантиришни таъминлаш билан бирга халқимизга хос бўлган, миллий қадриятлардан ҳам самарали фойдаланиш, уларни янгича мазмун билан бойитишга катта аҳамият берилмоқда.

Конституциямизнинг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб таъкидланади. Ушбу қоидага кўра, инсон ҳуқуқлари олий қадрият

тарзида эътироф этилди.

Умуман олганда, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари соҳасида қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилинади:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоялаш- давлатнинг вазифаси;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши лозим;

- инсон туғилган чоғиданоқ ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига эгалиги;

- тенг ҳуқуқлилиқ қоидаларига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаммага ва ҳар кимга тенг даражада берилгани;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунларнинг мазмуни, моҳияти ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланишини белгилаб бериши;

- фуқароларга судда ҳимояланишнинг кафолатлангани;

- ва ниҳоят, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ, ва эркинликларининг бузмаслиги шартлиги.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунлар тизими вужудга келтирилган бўлиб, бу қонунлар тўрт йўналиш бўйича амал қилади.

Булар:

- фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар;

- фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар;

- фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқарувчи қонунлар;

- ва ниҳоят, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий

халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисидаги қонунлардир.

Биринчи йўналишдаги қонунлар сирасига виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, таълим тўғрисидаги, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунлар киради.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қонунлар жумласига жамоат ташкилотлари тўғрисидаги, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Президент, Олий Мажлис, маҳаллий кенгашларга сайловлар тўғрисидаги, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги, касаба уюшмалари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар киради.

Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга замин ҳозирловчи қонунлар сирасига мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, аҳоли бандлиги тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисидаги қонунлар туркуми ҳақида гапирилганда Ўзбекистоннинг БМТ котибияти ажратиб кўрсатган 22 та «асосий» пакт ва конвенциядан 19 тасини ратификация қилганини таъкидлаш жоиз. Бу ҳужжатлар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, шунингдек, Бола ҳуқуқлари, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар бор.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги асосий мезонлардан биридир. Шу боис 20 асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқлари бўйича Конституциявий тартибот давлат ички ҳуқуқий соҳасида ҳам, халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам биринчи ўринга чиқди ҳамда демократик ҳуқуқий давлатнинг муқаррар аломати, белгиси, давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими ҳозирги халқаро ҳуқуқий андозаларга қанчалик мослигининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланди.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликлари масалалари бир томондан шарқона демократик қадриятларнинг ўзига хослигини, иккинчидан эса, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Шарқ ва Ғарб цивилизациясининг демократик қадриятларни ривожлантириш борасидаги тажрибаларини туб аҳолининг миллий менталитети ва тарихий шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштириш ўз самарасини бераётир.

Истиқдол шарофати билан жаҳондаги кўплаб ривожланган демократик мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқлари масалалари билан бевосита шугулланувчи миллий институтлар ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили ижроия ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини юритади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қонунда кўзда тутилган бошқа воситалари иш берамаганида фуқаро-

ларнинг ўз қонунлари бузилганлиги тўғрисидаги имкониятларни кўриб чиқиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Омбудсман ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда, улар номига ўз хулосасини йўллаб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни тавсия қилиши шарт ҳамда инсон ҳуқуқларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимос билан муурожаат этиш ваколатига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Омбудсман парламент томонидан вакил қилинган, барча давлат лавозимлари устидан билвосита назоратни амалга оширувчи, бироқ қабул қилинган қарорларни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган мустақил юридик муассасадир.

Шуни таъкидлаш жоизки, айти пайтда мамлакатдаги Омбудсман ҳузурида маслаҳат кенгаши фаолият юритмоқда. Тошкентда аккредитация қилинган дипломатик корпусларнинг, БМТ, ЕХХТ миссияларининг, ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари унинг гаркибига киритилган. Шунингдек, Омбудсман институти томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракат дастурини амалга ошириш доирасида аёлаар ҳуқуқлари мониторинги бўйича таҳлилий маслаҳат кенгаши тузилган.

Ўзбекистонда демократик кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига самарали ҳисса қўшаётган муассасалардан бири - Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказидир. Ушбу марказ 1996 йили 31 октябрда мамлакат Президенти Фармониға асосан тузилган бўлиб, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

миллий ҳаракат режасини, шунингдек Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Мазкур марказ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирчан воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолинини инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастури-

ни амалга ошириш борасида муайян натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистонда демократик қадриятларни қарор топтириш ва ривожлантириш фаолияти билан бево-сита шуғулланувчи муассасалардан яна бири - Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтидир.

Унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкла-тилган:

- амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқий-таъбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

- қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан, қонуний экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

- қонунчилик ишининг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Олий Мажлис Кенгашининг (1996 йил 3 декабр) қарорига асосан ташкил этилган мазкур институт демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон

ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш борасида муайян натижаларга эришяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият кўрсатаётган институтлар билан бир қаторда бу соҳада нодавлат ташкилотлар ҳам муҳим ишларни амалга ошириб келмоқда. Ана шундай нодавлат ташкилотлардан бири шахснинг ҳуқуқ, ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланаётган қўмитадир. Ушбу қўмитанинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқнинг ҳамма учун тенг бўлишини ҳимоялаш;
- инсон ҳуқуқларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда ижтимоий, миллий, диний ва бошқа турдаги камситишларни аниқлаш ва қайд этиш;
- инсон ҳуқуқларини тиклаш дастурини ишлаб чиқиш ва халқаро ташкилотларга тавсия этиш;
- ҳуқуқлари бузилган шахсларга инсонпарварлик ёрдами бериш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билимларни тарқатиш.

ДИН - МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир.

Ислом Каримов

Маълумки, XX аср инсоният тарихида илмий-техникавий, кашфиётлар асри, космос асри, ахборот ва ўлкан техникавий имкониятлар асри сифатида чуқур из қолдирди. Шу билан бирга ушбу асрнинг поёнида диний қадриятларнинг уйғониши, қадимий диний маданиятга қайтиш тенденцияси ҳам сезиларли даражада кучайди.

Табиийки, Ўзбекистон ҳам бу жараёнлардан четда қолгани йўқ. Марказий Осиёда етакчи дин бўлган Ислом динига қайтиш ғояси, ислом қадриятларини қайта тиклаш байроғи остида кўп қиррали, баъзан зиддиятли ҳодисалар юз бера бошлади. Унинг замирида диний экстремизм ва фундаментализм каби жамият тараққиётига таҳдид солувчи кучлар пайдо бўлди. Шундай бир мураккаб шароитда Ўзбекистонда динга нисбатан қандай муносабатда бўлинди? деган ҳақди саволнинг туғилиши табиий бир ҳолдир. Давлатимиз раҳбарининг асарларида бу масалага ойдинлик киритилди. Жумладан, Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган, уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган, ҳозир мавжуд бўлиб турган

диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланиб бежиз эмас. Шу тариқатдан инсоният тарихининг турли давларида сиёсат билан озми-кўпми очиқ-ойдин муносабатга киришган. Кўпчида ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама, тор мақсадларда фойдаланиб келинган», деб таъкидлайди.

У ўз фикрини давом эттириб ёзади: «Сўнги ўн йилликлар мобайнида дунёда дин омилининг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Турли, маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган шароитда ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. У гоёта ўзига хос шаклу шамойил касб этган эди, холос. Бироқ, 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошлари, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган, иккинчи томондан ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланган давр бўлди».

Президентимизнинг ушбу китобида минтақадаги миллий давлатларнинг мустақиллигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида ислом омили ва унинг хилма-хил кўринишлари фаоллашгани таъкидланиб, бу жараённинг сабаблари очиқ берилади. Президент таъбири билан айтганда, минтақамизда ислом омилининг фаоллашуви сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, аввалги мафкуравий тасаввурлар ва қадриятлар тизимининг оширилиши ҳамда муайян вақт мобайнида пайдо бўлган бўшлиқнинг ўрнини тўлдириш заруратидир.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш ўсиб бормоқда.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлар.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг

бошқа давлатлари ҳаёт мураккаб ва кўп қиррали Ислом дунёсининг ажралмас қисмидир.

Хўш, шундай бир қалтис шароитда қандай йўл тутиш лозим эди? Президент Ислом Каримов: «Биз диний ташкилотлар билан муносабатимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни пайтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади, - деб таъкидлайди., «Оллоҳ, қалбимизда, юрагимизда» рисоласида - бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир... Бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга ҳос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен у дунё-ю бу дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмақчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз»...

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, динга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Шўролар тузуми даврида «Дин- афъюн» дея эътироф этилиб, диний меросимизни ўрганиш, диний қадриятларни ривожлантириш таъқиқланган эди. Бироқ, дин маънавий, руҳий қадрият сифатида одамларнинг турмуш шароитида у ёки бу даражада сақланиб келар эди.

Ислом Каримовнинг ташаббуси билан динга қувват берилди. Дин муқаддас қадрият сифатида эътироф этилди. Давлатнинг диний ташкилотлар билан муносабати қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмақда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар

уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарураги;

- диний бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Сўнгги тамойил Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади.

Ўзбекистонда диннинг бунёдкорлик ва айна пайтда вайронакорлик табиатига конкрет вазиятдан келиб чиқилгани ҳолда диалектик муносабатда бўлинмоқда. Яъни, бир томондан диннинг (исломнинг) ахлоқий, маданий ва маърифий фаолияти бутун чоралар билан қўллаб-қувватланмоқда. Жамиятнинг маънавий негизларини кучайтиришга хизмат қиладиган диний қадриятлар ривожлантирилмоқда. Иккинчи томонда эса, вайронкорлик руҳи билан сугорилган турли оқимларга мансуб бўлган диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг бу позицияси Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида аниқ, ифодаланган: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун, байроқ, бўлишига йўл қўймаймиз.

Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз». Ўзбекистон Президенти ўз интервьюларининг бирида: «Бу масалани ҳал қилишдаги бизнинг нуқтаи назаримиз равшан ва қатъий: дин диний ишлар билан, давлат эса - давлат ишлари билан машғул бўлиши керак», деб таъкидлаган эди.

Юқорида ҳам қайд этилганидек, Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда рухонийларнинг мақоми билан боғлиқ, бўлган барча масалалар қонун йўли билан ҳал қилинган. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўтрисида»ги қонунда ҳам ана шу қоида асос қилиб олинган бўлиб, у кенг доирадаги ҳуқуқий кафолатларни назарда тутди.

Ушбу қонунга киритилган тузатиш ва қўшимчаларнинг қисқача мазмуни қуйидагича.

Биринчидан, диний ташкилот камида 100 кишининг ташаббуси билан тузилиши мумкин. Олдинги қонунда диний ташкилотни 10 кишидан иборат гуруҳ ташаббуси билан рўйхатга олишга рухсат бериларди. Шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин эди. Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, эса ташаббускор гуруҳ мамлакат фуқароси бўлган 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида яшайдиган 100 кишидан иборат бўлиши керак.

Иккинчидан, тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқароларигина диний ташкилот-

ларнинг раҳбари бўлиши мумкин.

Учинчидан, Олий ва Ўрта диний ўқув юртларига фақат мажбурий ўрта маълумот олган фуқароларгина қабул қилинади.

Тўртинчидан, бир конфессия вакиллариини бошқа конфессияга тарғиб қилиб ўтказишга қаратилган ҳаракатлар таъқиқланади.

Бешинчидан, қонуида «диний экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ҳояларини ташувчи осма нашрлар, кино-фото, аудио маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб боради» деб таъкидланган.

Ўзбекистонда миссионерлик фаолияти қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат, 15 та диний конфессия, турли йўналишдаги 200 га яқин черков мавжуд. 1850 га яқин диний ташкилот фаолият юритмоқда. Шулардан 1664 таси мусулмон ташкилотлари бўлиб, битта ислом маркази, 11 та ислом ўқув юртидир.

Рус православ черкови битта марказ, 28 та ташкилот, битта ўқув юрти, битта эркаклар ва аёллар монастрига эга. Шу билан бирга рус православ черковлари Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ишлаб турибди. Тўлиқ Инжил Христианлари Черкови битта диний маркази ва 25 та ташкилотга, Инжил Христиан баптистлари черкови битта марказ ва 22 та ташкилотга, еттинчи Адвентистлари Черкови 10 га диний ташкилотга, Инжил Лютеран черкови тўртта ташкилотга, Рим-католик черкови битта диний марказ ва иккита ташкилотга, Арман апостел черкови битта диний ташкилотга, корейс протестант черковлари 47 та ташкилотга, Бахрийлар жамоалари битта, яҳудий диний жамоалари саккизта, Кришнани англаш жамияти иккита, «Иегов шаҳидлари» черкови иккита, янги

апостол черкови тўртта ташкилотга, Ўзбекистан Библия жамияти эса битта диний марказга эга. Уларнинг барчаси мустақил юридик шахс сифатида республика ижтимоий ҳаётида қатнашиш, диний адабиётлар нашр этиш, қеракли мутахассисларни тайёрлаш, муқаддас жойларни зиёрат қилишни ташкил этиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Ҳолбуки, собиқ СССРда ҳукмрон коммунистик партия динни, хусусан, исломни ўзининг мафкуравий душмани деб ҳисобларди. Шу боис ўн минглаб руҳонийлар катагон қилинди. Минглаб масжид ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Ўзбекистон мусулмонлари 90- йилларнинг ўрталарига қадар ўз она тилларида Қуръони Каримдан баҳраманда бўла олмаган эдилар. Исломий маърифат таъқиқлаб қўйилгани сабабли билимдон ислом мураббийлари камайиб кетганди. Одамлар шариат қонунлари тўғрисидаги фан, Қуръони Карим қоидаларини шарҳлаш тўғрисидаги фан - тафсир ҳақида, Муҳаммад пайгамбарнинг фаолияти ва буйруқлари мужассам бўлган ҳадислар ҳақида ҳатто умумий тасаввурга эга бўлиш имкониятидан маҳрум этилганди. Натижада маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллади.

Ислом Каримовнинг давлат раҳбари бўлиб келиши муносабати билан динга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Мамлакат президентининг таппаббуси билан мусулмонларнинг диний байрамлари - Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити Ўзбекистонда умумхалқ байрами дея эътироф этилди. Мусулмонларнинг муқаддас китоби - Қуръони Карим ҳамда Имом ал-Бухорий томонидан тушланган тўрт жилдди ҳадислар ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинди. Диний қадриятларни қайта тиклашга йўл очилиши муносабати билан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин

Маргиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Машраб, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғуждувоний, Замахшарий, Мотрудий каби маънавият, руҳоният осмонининг порлоқ юлдузлари ижодий мерослари қайта ўрганила бошланди. Юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг юбилейлари ўтказилмоқда. Уларнинг асарлари танқидий ўрганилиб, бирин-кетин нашр қилинмоқда. Улуғ алломаларимизнинг ижодий фаолиятига бағишланган илмий конференциялар ўтказилмоқда.

Мамлакат Президентининг Фармонида асосан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент Ислом университетининг ташкил этилиши (1999 йил сентябр) ҳам маънавий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди. Ушбу Олий ўқув юрти муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш бу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилаёпти. Ўзбекистон Президентининг таъбири билан айтганда, Тошкент Ислом университети аждоларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини оширишга баҳоли қудрат хизмат қилаётир.

Университет дунёвий муассаса ҳисобланиб, унинг таркибида тарих ва фалсафа, фикр, иқтисодиёт ва табиий фанлар факультетлари фаолият юритмоқда. Ушбу олий ўқув юрти қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей ташкил қилинган. Университетни ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилган. Тошкентда бундан ташқари, яна иккита семинария - проваслав ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданоқ, ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни

ўстириш каби вазифаларни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон мусулмонларининг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада ўтказилаётган Ҳаж ва умра маросимларида қатнашиши учун барча имкониятлар яратилган. Муқаддас жойларга зиёратга борувчиларга ёрдам бериш учун Вазирлар Мақкамаси ҳар йили махсус қарор чиқаради. Ана шу мақсадлар учун ҳар йили давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Илгари Ҳажга нари борса, беш-олти киши борарди. Эндиликда йилига 4000 га яқин зиёратчи Ҳаж сафарига бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясига биноан, дин давлатдан расман ажратилган, лекин жамиятдан ажратилган эмас. Шу боис республикада жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний расм-русумларни адо этиш ўртасидаги алоқалар уйғун, мувозанатда бўлиши учун барча ишлар қилинмоқда. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси ҳузурида Диний ишлар қўмитаси тузилди. Ушбу ташкилот, аслида диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасида воситачилик қилади. Мазкур қўмита мамлакатлар диний муносабатларни тартибга солувчи қонунларга, диний ташкилотлар ҳамда давлат идоралари қандай риоя этаётганлигини кузатиб боради. Бу соҳадаги барча масалалар, чунончи, турли конфессияларнинг диний ташкилотларини тузиш, улар фаолиятини кузатиб бориши, шунингдек, маслаҳат, эксперт ва воситачилик вазифалари ҳам унинг ваколатига киради.

Мустақиллик парофати билан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳадису шарифларини тўплаган Имом ал-Бухорий, ҳадисшунос олимлар Ат-Термизий, фикҳшунос- Бурхонуддин Маргиноний, ислом таъли-

мотининг назарий асосчиларидан бири Имом Мотрудий, тариқат асосчиларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуг алломаларнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, улар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мустақиллик йиллари улуг саркарда ва давлат арбоби, Шарқда ўйғониш даврига замин яратган буюк ислохотчи, диннинг ҳомийси бўлган Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги бекиёс хизматлари қайта тикланди.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда олий проваслав олий ўқув юрти - Тошкент диний семинарияси очилди, у келгусида бутун Ўрта Осиё епархиясини юқори маълумотли руҳонийлар билан таъминлайди. Бутун Марказий Осиёда энг йирик ибодатхона бўлган Самарқанддаги авлиё Алексей собори қайта тикланди.

Мамлакатда ижтимоий барқарорликни ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлашда миллатлараро тинч-тотувликни йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатда 100 дан зиёд миллий-маданий марказлар иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида (1992 йил 13 январ) Байналмилал маданий маркази тузилди. Ушбу марказнинг асосий мақсади республикада миллий муносабатларни йўлга қўйиш, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи миллатлар ва элатлар вакилларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш бўйича иш олиб бориш, уларнинг урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, бу ишда амалий ва услубий ёрдам беришдан иборат.

Республикада фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар ўзларининг қизгин фаолиятлари мобайнида муайян элат, этник гуруҳ, миллатнинг ўзига хос бўлган анъаналари, қадриятлари, расм- русумлари-

ни намоён этган ҳолда, уларга янгича мазмун бағишламоқдалар. Наврӯз ҳамда Мустақиллик куни байрам шодиёналарига бағишланган тантаналар, ҳар миллат вакиллари учун ўзлигини намоён қилиш айёмларга айланиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш, ўзликни англаш, миллий ифтихор ва қадр-қиммат туйғусини тарбиялаш миллий тилни, маданиятни, анъаналарни сақлаб қолиш билан бирга барча миллатларнинг умумий бирлиги, тинч-тотувлиги масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий хилма-хиллиги миллий ўзлигини англашнинг ўсиши ва маънавий тикланиш билан уйғунлашиб, жамиятнинг янгиланишига қудратли туртки бўлмоқда. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

МАҲАЛЛА - ИЖТИМОИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Нафақат Шарқ, балки дунё цивилизациясининг энг қадим ўчоқларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадим замонлардан буён маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос модели амал қилиб келади. Бу - маҳалладир. Маҳалла арабча «маҳаллун», яъни одамлар яшайдиган, тириклик қиладиган жой, макон деган маънони англатган. Лекин бундан Маҳалла фаолияти мамлакатимиз ҳудудида фақат араблар кириб келган даврдан бошланган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак.

Маълумки, араблар Марказий Осиё ҳудудига еттинчи аср охириларида кириб кела бошлаган. Ва улар ўз ҳукмронлиги даврида бу заминда шаклланган анъана ва қадриятларни ўз маданияти, ислом фалсафасига мослаштиришга ҳаракат қилгани ҳам табиий. Ана шу жараёнда азалдан шаклланиб, ҳалқимиз ҳаётида амал қилиб келган Маҳалла институти ҳам арабча номланиб, мусулмон маданиятига хос хусусиятлар билан бойиб янада такомиллашиб борган. Бир сўз билан айтганда, араблар ҳукмронлиги даврида Маҳалла бошқаруви фақат янгича ном олиб, янги белги-хусусиятлар билан бойиб, ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилган, холос.

Маҳалланинг шаклланиш даври эса араблар истилосидан анча олдинги даврларга - бронза даврига бориб тақалади. Бунини юртимиз ҳудудида олиб борилган кўпгина тарихий-археологик изланишлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, бронза даври ёдгорлиги ҳисобланган Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Сопол-литепадан топилган 8 та оила манзилгоҳи одамларнинг ўша олис даврларда ўзаро уюшиб, ўзларининг бош-

карув тузилмасини ташкил этиб яшаганини курсатади. Бу оилаларга хос буюм ва ашёлар уларни фақат қариндошлик алоқалари эмас, балки турли ҳаётӣй, ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштирганидан далолат беради. Энг муҳими, ушбу 8 та оила атрофида 100 дан зиёд оила патриархал муносабатлар асосида бирлашган экан. Яъни, дастлабки топилган 8 та оила ўша даврдаги патриархал жамоа етакчиларининг оиласи бўлган. Оилалар ҳам қариндошлик, ҳам ишлаб чиқариш йўналишлари, яъни касб-кор нуқтаи назаридан турли жамоаларга бирлашган. Ҳар бир жамоа оқсоқоли олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Жамоалар ҳаёти, хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар ана шу кенгаш орқали ҳал этилган.

Бугунги кунда ҳам Маҳаллалар фаолиятига эътибор берсак, уларда умумий масалаларни кенгашиш, маслаҳатлашув орқали ҳал этиш, маҳалла оқсоқолини сайлаб, унинг маълум бир ваколатлар бериш каби тамойилларни кузатиш мумкин. Бундай тамойилларни юқорида келтирилган бронза даврига оид тарихий топилмалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ва бундай жамоаларни қатъий ишонч билан маҳалла институтининг дастлабки моделлари дейиш мумкин.

Бундай жамоалар фаолияти милоддан аввалги учинчи асрдан то милодий бешинчи аср бошларигача қадимги Паркана (Фаргона) давлати фаолиятида ҳам кўзга ташланган. Бу ерда ҳам жамоалар ҳаёти билан боғлиқ масалаларни оқсоқоллар кенгаши ҳал этган. Ўша даврлардаги жамоа бирлашмалари, яъни Маҳаллалар деганда, бир нечта оилани бирлаштирган, муайян ҳудудни макон тутган, диний, маданий қадриятлари билан ажралиб турадиган ижтимоий тузилма тушунилган. Албатта, уларнинг фаолиятида уруғчилик муносабатлари устунлик қилиб турган.

Ёзма тарихий манбаларда ҳам маҳаллаларнинг кўп

минг йиллик ривожланиш йўллари ҳақида турли маълумотлар учрайди. Масалан, машҳур тарихчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида 1100 йил муқаддам ушбу шаҳарда бир қанча маҳаллалар бўлгани ҳақида маълумот берган. Қадимда маҳаллалар нафақат ижтимоий бир тузилма, балки ўзига хос шаҳарча сифатида эътироф этилган маъмурий-ҳудудий тузилма ҳам бўлган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» (Яхшиларнинг ҳайрати) асарида мана бу сатрлар бу фикрнинг исботи бўла олади:

Шаҳарлар отини маҳаллот этиб,

Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб.

Маҳалла-шаҳар ичидаги шаҳарча деган мазмундаги мазкур гўзал ташбеҳдан кўринадики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юз шаҳарча кўринишидаги маҳаллалардан ташкил топган. Мас-жиди, ҳаммоми, чойхонаси, дўконлари ва бошқа ўзига хос инфратузилмалари бўлган маҳаллалар марказида гузарлар бўлган. Кўчалар кесишадиган, туну кун одамлар гавжум бўладиган жойлар гузар деб аталган. Одатда муҳим ижтимоий объектлар - бозорлар, чойхона, сартарошхона ва бошқа хизмат шохобчалари гузарларда жойлашган.

Қадим замонларда маҳаллаларда халқ томонидан сайланадиган эликбоши, каттароқ маҳаллаларда эса амин раҳбарлик қилган.

Маҳалла институти юртимиз ҳудудида айниқса, Амир Темур ва теурийлар ҳукмронлиги даврида ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилган. Бу даврга келиб, маҳаллалар одамларнинг ижтимоий мавқеи, касб-корига қараб алоҳида-алоҳида бўла бошлаган. Масалан, темирчи усталар яшайдиган маҳалла алоҳида, косиблар яшайдиган маҳалла алоҳида,

тикувчи ва кулоллар маҳалласи алоҳида бўлиб борган. Бу касб-ҳунар шажаралари, ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, касб эгаларининг дунёқараш ва имкониятлари яқинлиги билан боғлиқ бўлган.

Маҳаллаларнинг ривожланиши миллий давлатчилик ривожини билан бевосита боғлиқ бўлган. Шунинг учун Амир Темур даврида ўзбек давлатчилиги янгитдан шаклланиб, юксалиш йўлига кирган пайтларда маҳаллалар кундан-кун обод ва файзли бўлиб борган. Буни Ибн Арабшоҳ, Ибн Холдун, Клавихо каби хорижий сайёҳ ва тарихчилар ҳам ўз асарларида қайд этган. Амир Темур замонида ҳатто ҳарбий қўшин ҳам маҳалла усулида яшаган экан.

Бу ҳақда Клавихо шундай маълумот беради: «Қароргоҳда ҳар бир қўшин тўдасида истаган касб эгаси усталарини топиш мумкин эди. Ҳар бир тўда алоҳида маҳаллаларга бўлинган. Бугина эмас, қўшин ҳамма вақт ўзи билан бирга чодир-ҳаммомни ҳам олиб юрар, ҳаммомчилар муайян жойда дарҳол чодир тикиб, қозонда сув қайнатиб, ҳамма зарур нарсаларни ҳозирлаб, иситиладиган ҳаммом хоналари қураб эдилар»¹.

Лекин темурийлар давридан кейинги инқироз давларида, айниқса, Ўрта Осиё ҳудуди учта хонликка бўлиниб кетгандан сўнг маҳаллалар ривожига унча катта силжиш кўзга ташланмади. Бу босқичда ўн боши, элликбоши, юзбоши ва амин каби маҳаллий бошқарув тизимидаги амалдорларга катта ҳуқуқдар берилади.

Уларнинг ҳукмлари қонун даражасида қабул қилиниб, сўзсиз бажарилган. Аммо бу амалдорлар фаолиятини назорат қилувчи жамоатчилик фикри-ривожини

¹ «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида». Тошкент, «Ўқитувчи», 1996 й. 72-бет.

га эътибор берилмаган. Бу эса кўн ҳолларда маҳаллий амалдорларнинг ҳаддидан ошиши, халқни эзиши, ундан ўринсиз солиқ ва тўловлар ўндиришига олиб келган. Натижада одамларнинг ижтимоий аҳволи, маҳаллаларнинг ривожига ёмонлашган.

Чоризм истилосига қадар Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Даҳа ҳам ўзига хос миллий маъмурий-ҳудудий тузилма бўлиб, уларнинг махсус жамоа кенгаши фаолиятида маҳаллий ҳокимият вакиллари - халқ томонидан сайланган юзбоши ва мингбошилар қатнашган. Ҳар бир маҳалла ўз ҳудудидagi кўча ва гузарлар тозалиги, сув манбаларидан тўғри фойдаланиш, одамлар осойишталигини назорат қилиб турган. Маҳаллалар ўз бозорига ҳам эга бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, аҳолидан олинадиган жон солиғи маҳалла ихтиёрида қолдирилган.

Наврўз кунлари, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайит каби байрамлар пайтида одамлар бир-бирларидан, айниқса, кекса ва ногирон, ёрдамга муҳтож одамлар ҳолидан хабар олган, ўз маблағлари, молу мулкидан бир қисмини эзгулик йўлида ҳадя этган, жонлиқлар сўйиб, қурбонлиқлар қилган.

Маҳалланинг ички тартиб-қоидалари гарчи бир расмий ҳужжатда ўз аксини топмаса-да, унга барча қатъий амал қилган. Бу кўпчиликка, унинг иродасига ҳурмат-эҳтиром ифодаси бўлган. Кўпчиликнинг бунёдкорлик иродаси ҳашар йўли билан уй, йўл ва кўприклар қуриш, тўй-маъракалар ўтказиш каби тадбирларда яққол намоён бўлган. Мана шундай ирода маҳалланинг ижтимоий асосини янада мустаҳкамлаган.

Маҳаллага одамларнинг ишончи катта бўлган. Шу боис умумий мақсадларда фойдаланиладиган тўй-маърака жиҳозлари, меҳнат қуроллари ишлатиш ва сақлаш, ҳатто одамларнинг маҳалла миқёсида ўтказиладиган тадбирлари ҳам маҳалла оқсоқоллари

қарори билан амалга оширилган. Бордию вафот этган бирор-бир кишига тегишли мол-мулкнинг қонуний меросхўри топилмаса, бу бойлик маҳалла кенгаши қарори билан муҳтож ва эҳтиёжманд одамларга берилган ёки маҳалла ҳисобига ўтказилган.

Маҳалла чойхоналари қадим-қадимдан маърифат ўчоғи ҳисобланиб, у ерларда шеърхонлик ва кулги кечалари, маърифий гурунглар ўтказилган, ахлоқ-одобга доир маърузалар, китоблар ўқилган, бахши ва шоирларнинг шеър, дoston ва ўланлари тингланган. Мабодо маҳаллага бирон-бир мусофир келиб қоладиган бўлса, у ҳамма вақт чойхона ёки масжиддан ёки бўлмаса, маҳалла аъзоларининг биронтасининг уйидан жой топган.

Одамларнинг хонадони, касб-ҳунарга оид фаолиятидаги янгиликлар маҳалла аҳли эътиборидан четда қолмаган. Маҳалла аъзолари бундай янгиликларга ахлоқ-одоб қоидаларидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган. Яъни, ёмонлик бўлса афсус-надомат билан яхши хабар бўлса, қувонч ва дуо билан қарши олган. Одамлар ҳам мана шундай холис ва одил муносабатни билгани учун имкон қадар ўз маҳалласи шаънини асрашга, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилиб яшаган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1865 йили Тошкент рус аскарлари томонидан забт этилганда бу ерда 140 та маҳалла бўлган. Уларда 76 минг аҳоли яшаган. XX асрнинг 20-йилларига келиб бу ердаги маҳаллалар сони 280 тага етган. Шаҳардаги маҳаллалар асосан касб-ҳунар ёки миллий-этнографик хусусиятлар асосида таркиб топган. Бундай белгилар уларнинг номларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Маҳсидўз, Табибкўча, Дегрез, Эгарчи, Ўқчи, Пичоқчилик, Сағбон, Тожиккўча, Қозоқбозор, Калавабозор, Гулбозор, Ўзбек маҳалла каби маҳалла номлари шундан далолат беради.

Шаҳардаги бир қатор номлар эса бу ердаги ариқ, кўприк, масжид, жой рельефи ва бошқа турдаги номлар билан аталган. Чунончи, Баланмачит, Жангуб, Ганчтепа, Қудуқбоши, Жарарик, Баланкўприк, Оқтепа каби номлар бунга мисол бўла олади.

Юртимизда узоқ йиллар давомида бевосита маҳалла ҳаёти билан ҳаётий қадриятлар шаклланиган. Масалан, Наврўз байрами кунларида дошқозонларда сумалак қайнатиш, ҳалим пишириш, умумхалқ байрамлари арафасида ҳашарлар уюштириб, кўча-кўй, боғ ва майдонларни тартибга келтириш шулар жумласидандир. Бу ҳақда гап кетганда, тўй-маъракаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Маҳалла аъзоларидан биронтаси тўй қиладиган бўлса, бу бутун маҳалланинг тўйидек қабул қилинади ва бутун маҳалла аҳли хизматга шай бўлиб туради.

Лекин халқимиз ҳаётидаги 130 йиллик мустамлакачилик ҳаётининг энг қийин ва фожиали даври бўлган Шўролар замонида барча миллий қадриятларимиз каби маҳаллаларга ҳам етарли эътибор берилмади. Маҳаллаларга хос қадриятлар, жой номлари ва асрлар давомида шаклланиб келган тарихни халқимиз хотирасидан бутунлай ўчириш учун уларнинг ўринларида бир хилдаги кўпқаватли бинолар барпо этилиб, улар атайлаб «Ц-1», «Ц-2» деган ҳеч ким тушунолмайдиган номлар билан аталди. Масжидлар, бозор ва расталар бузилди, миллий байрам ва маросимларни нишонлаш тақиқлаб қўйилди. Ҳатто маҳалланинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини камситиш, уни тарихимиздан бутунлай йўқотишга қаратилган махсус қарорлар ҳам қабул қилинди. Мисол учун, 1932 йил апрель ойида қабул қилинган «Шаҳар маҳалла кўмиталари тўғрисида»ги низомда маҳаллаларнинг фаолият доираси анча чеклаб қўйилган эди. 1961 йил августда қабул қилинган «Республика маҳалла комитет-

ларининг тузилиши ва фаолиятига доир» низомда эса маҳалла қўмиталарининг иқтисодий, хўжалик ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, юридик шахс сифатида иш олиб бориши тақиқлаб қўйилди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан, сўнг халқимиз миллий турмуш тарзига хос барча урф-одат ва анъаналар, қадимий анъаналар каби, маҳалла институти ҳам ўзининг асл маъно-моҳиятига қайтди. Мамлакатимизда фақат бизнинг халқимизга хос бўлган бу бетакрор миллий бошқарув идораси фаолиятини мустақил давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик жамият барпо этиш борасидаги эзгу мақсадларимизга мос ҳолда такомиллаштириш чоратадбирлари кўрилди. Президентимиз фармони билан маҳалла институти фаолиятини қўллаб-қувватлаб, бу борадаги қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қиладиган махсус тузилма- «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилди. Мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун маҳалла қўмиталарининг маҳаллий бошқарув идораси сифатидаги ваколатларини белгилаб берди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари белгилаб берилган «кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясида маҳалла институтига алоҳида эътибор ва аҳамият қаратган. Бу концепцияга мувофиқ мамлакатимиздаги ислохотлар эркинлашиб боргани сари давлат ташкилотлари зиммасидаги айрим вазифалар аста-секин жамоат ташкилотлари зиммасига ўтиб боради. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2003 йилни юртимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди. Шу муносабат билан у маҳалланинг ҳозирги босқичда -

жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш даврида маҳалла институтининг аҳамияти янада ортганини таъкидлаб, шундай деди: «Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини ковуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз»¹.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ҳақиқий ўрни ва нуфузи бениҳоя ошди. Бутунги кунда одамларнинг кундалик ҳаётидаги кўпгина масалалар маҳалла институти иштирокида ҳал этилмоқда. Чунончи, ёш оилаларни, кекса ва ногиронлар, ёрдамга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тарбияси огир болалар билан шугулланиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш, аёллар ва болалар саломатлигини таъминлаш, одамларнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, уларнинг ўртасида миллий истиқдол ғояси, миллий ва умумбашарий ғояларни тарғиб этиш, баъзи жанжалли оилалардаги келин ва куёв, қайнона ва келин, ака ва ука ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, одамларни меҳроқибатга, ҳамжиҳатликка чақириш - барча-барчасида маҳалла ўзига хос ташкилотчилик ролини бажаради. Одамларнинг маҳаллага бўлган ишончи ортгани учун кўпгина масалаларда, аввало мана шу бошқарув идораси фаолларига мурожаат қилиб, маслаҳат ва ёрдам сўрайди. Чунки маҳалла фаолиятида ортиқча расмийчилик йўқ. У ўзининг фаолият вазифалари билан одамларнинг кундалик ташвишларига яқин.

¹ «Халқ сўзи» газетаси. 2002 йил, 6 декабрь сони.

Мустақиллик йилларида маҳалла идорасининг ўрни ва нуфузи ортгани учун юртдошларимиз ҳаёти мустамлака давридагига нисбатан қизиқарли ва мазмунли бўлиб, кундалик турмуш муаммолари ечими ҳам оsonдашиб бораётганини таъкидлашмоқда.

Мамлакатимизда Обод маҳалла йили муносабати билан махсус давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш, одамларни маҳалла бошқарувига янада кўпроқ жалб этган ҳолда, уларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, миллий қадриятларимизни янгича маъномазмун билан бойитиш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Президентимиз «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобларида маҳалла бошқарувининг демократик моҳияти, унинг одамларни тарбиялашдаги ролини таъкидлаб, шундай деган эди: «Бағрикентлик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳиtida камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин»¹.

Бугунги кунда маҳалла том маънода ўзининг ана шу мақомига эга бўлиб бораётгани халқимизнинг озод ва эркин жамият қуриш йўлида катта амалий қадамлар қўяётганидан далолат беради.

Мустақиллик туфайли даврнинг синовларидан муваффақиятли ўтиб, халқимизнинг руҳиятига чуқур сингиб кетган анъаналар янгича мазмун билан бойитилмоқда. Жумладан, бугунги кунда кичик ватан мақомини олган жамоа-маҳалла ҳам шундай жараёнига ўз бошидан кечирмоқда.

Ўз давлат мустақиллигимизни қўлга киритгани-

¹ Исрол Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - шировард мақсадимиз» Тошкент, «Ўзбекистан», 2000 йил, - 503-бет.

миздан сўнг бу масала Президентимиз Ислон Каримовнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Юртбошимиз ўзининг маърузалари, нутқларида ва суҳбатларида кўпминг йиллик тарихга эга бўлган маҳалла-жамоа бошқарувининг янги жамият қуришидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб келаётгани бежиз эмас.

Дарвоқе, маҳалла деганда ватан ичра ватан бўлган муқаддас маскан кўз олдимишга келади. Шу маскан замирида бизнинг узоқ йиллик ўтмишимиз, қиёфамиз, ўзлигимиз аниқроқ намоён бўлади. Лекин, афсуски, қадимда маҳалла қандай таркиб топгани, қандай идора этилгани, унинг шакллари ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Қолаверса, маҳалланинг келиб чиқиш тарихи унинг жамият ҳаётидаги мавқеига бевосита бағишланган махсус илмий-назарий тадқиқотлар ҳам етарли эмас. Гарчи маҳалланинг жамиятдаги роли, мавқеи махсус равишда қонунлаштирилмаган, ёзилмаган бўлса ҳам, унинг бағрида ҳукм сурган муносабатлар, ижтимоий қадриятлар одат тусига айланиб кетган эди. Шу боис халқнинг онги, шуурига маҳалла орқали ўтказилган маънавий-руҳий таъсирлар амалдаги қонунлардан кўра кучлироқ самара берган.

Маҳалла тушунчаси, унинг тарихий заминлари, истиқболи, жамият тараққиётида тутган ўрнини янада чуқурроқ ёритиш мақсадида, «Қарши университети» газетасининг масъул муҳаррири доц.Н.Шодмоновнинг саволларига берилган жавобни илова тарзида келтирамиз.

Н.Шодмонов-Суҳбатимизни маҳалланинг тарихи, унинг келиб чиқишидан бошласак. Сизнингча, маҳалла деганда қадимда нима назарда тутилган ва маҳалла қандай таркиб топган?

А.Чориев - «Маҳалла» арабча сўз бўлиб, «шаҳар ичидаги шаҳар» деган маънони англатади. Маҳалла

узоқ тарихга эга. Тарихий манбаларда маҳалланинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар деярли учрамайди. Маҳалла деганда, аввало, катта оила назарда тутилган. Кейинчалик катта бир оила ёки бир неча оилаларни ўзига, бирлаштирган ҳудудий жамоа тушунилган. Маҳалла фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир, дейишга тўла асосимиз бор. Тарихий адабиётлар, манбалар ҳам маҳалланинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Маҳалла, асосан шаҳарларда пайдо бўлган. Жумладан, тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳалла бўлганлигини қайд этиб ўтган.

Н.Ш. - Маҳалла қадимдан ўзига хос жамоа бошқаруви сифатида фаолият кўрсатган, унинг ўзига хос ички тартиб-қоидалари, ёзилган ва ёзилмаган қонунлари бўлган экан...

А.Ч. - Маҳалла қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилгани бежиз эмас. Жамоани бошқариш учун маҳалладаги энг обрўли кишилардан оқсоқол сайланган. Айни пайтда маҳаллани бошқариш ишлари ўзига хос тартиб, қоидалар орқали амалга оширилган. Жамоатчилик фикри билан бошқариладиган тартиб-қоидаларга шу ҳудудда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг қатъий риоя қилишлари шарт бўлган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оқсоқолларнинг, жамоатчиликнинг фикри ва йиғилиш қарори ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Н.Ш. - Маҳалла халқ ҳаётига қанчалик таъсир кўрсатгани ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

А.Ч. - Қадимда маҳалла ҳудудида ҳукм сурган ижтимоий муҳит унинг аҳлига ҳам катта таъсир

кўрсатган. Жумладан, маҳалланинг ички тартиб, қоидалари тарчи ёзилмаган бўлса-да, лекин ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган. Кишилар ўзларининг ижтимоий, амалий фаолиятини белгиланган муайян қоидалар, тартиблар асосида амалга оширишган. Маҳалла доирасидаги урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар унинг аҳли турмуши, ҳис-туйғулари ва кайфиятига катта таъсир кўрсатган. Қадимда ҳар бир маҳалланинг ўз гузари, қозиси, мироби, қабристон, масжиди бўлган. Маҳалла маълум маънода мустақил бўлиб, ўз ҳудудидаги масалаларни демократик асосда мустақил ҳал қила олган. Бугун бизга энг керакли бўлган жамоатчилик муносабатлари - ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик, ўзаро ёрдам, ҳурмат, аҳиллик ҳис-туйғуларининг кенг ривожланишига катта имкониятлар яратган. Наврўз, ҳосил байрами, диний айёмлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳалла аҳли бир тан, бир жон бўлиб, ўз имкониятларини намоён этган. Ночор кишиларга ёрдам бериш, ҳашар анъанаси кенг қўлланилган. Оилаларнинг мусибатли кунлари бундай кишиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилган. Тўйлар, қувончли кунлар бирга баҳам кўрилган. Шунингдек, умумий хавф-хатарнинг олдини олишда, душманга қарши курашда маҳалла орқали кишиларнинг бирлиги, жипслиги таъминланган.

Н.Ш. - Маҳалланинг ички тартиб, қоидаларига қатъий риоя қилмаган айрим шахслар, «қонунбузарлар»га нисбатан қандай чоралар қўлланилган?

А.Ч. - Юқорида ҳам айтганимдек, маҳалланинг қоидалари ҳамма учун бирдек амал қилган. Шу боис ушбу қоидалар, тартибларга риоя қилмаган, мавжуд қонунларни бўзган кишиларга жиноятининг даражасига қараб жамоатчилик йўли билан тегишли чоралар кўрилган. Масалан, хоинлар, қўрқоқдар, юртга

ҳиёнат қилган шахслар олий жазога ҳукм этилган. Маҳаллани идора этишда ҳокимият халқ йигинида бўлган ва ҳукм ҳар доим жамоа тарзида чиқарилган. Маҳаллада жамоатчилик анъаналари руҳи кучли намоён бўлганлигини далилловчи мисоллар кўп.

Н.Ш. - Ўтмишда маҳалланинг умумий мулки бўлганми?

А.Ч. - Ҳа, бўлган. Масалан, ҳар бир маҳалланинг кўкаламзорлаштирилган жамоат маркази (ҳозирги маънодаги гузар), масжиди, чойхонаси, маҳалла аҳлининг тўй-маърака, маросимларга ишлатиладиган зарур умумий мулки бўлган. Айрим жойларда бир қанча маҳалла учун хизмат қиладиган умумий марказ - маҳалла гузари ҳам мавжуд эди.

Маҳалла гузарида, масжиддан ташқари, ҳунармандчилик устахоналари, чойхона, новвойхона, боққолик дўконлари ва бозорча фаолият кўрсатган. Шунингдек, маҳалланинг ҳудудидан оқиб ўтадиган ариқлар, сув ҳавзалари, ҳовузлар, кўча-кўйлар ҳам умумники саналган. Ҳар бир маҳалла аҳли шу ҳудуддаги кўча-кўйлар, ариқлар ва ҳовузларни тоза, озода сақлаш мажбуриятини олган. Бу қоидаларга риоя қилмаган баъзи кишиларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилган.

Маҳалланинг ўз қабристони ҳам бўлган. Бундай имкониятга эга бўлмаган маҳаллаларнинг шаҳар қабристонига ўз улуши - қисми - хилхонаси мавжуд эдики, маҳалла аҳли муайян ажратилган жой учун жавобгарлик ва соҳиблик ҳиссини туйган.

Н.Ш. - Маҳаллада вафот этган кишиларнинг мол-мулки, уй-жойлари қандай тақсим қилинган?

А.Ч.- Отадан мерос қолган мол-мулк, уй-жой фарзандларига шариат қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда ворислик асосида тақсимлаб берилган. Фарзанди бўлмаган кишиларнинг мол-мулки, уй-жой-

лари, аввало, энг яқин қариндош-уруғларига берилган. Қариндош-уруғлари ҳам бўлмаган ҳолларда мерос қолган мол-мулк, уй-жой маҳалла йигинида кўриб чиқилиб, мухтож кишилар ихтиёрига бериларди.

Н.Ш. - Маҳалладаги ҳовли-жойни сотишда қандай тартиб - қоидаларга амал қилинган?

А.Ч. - Маҳалла ўз ҳудудидаги ҳовли-жойларни олди-сотди ишларига бевосита аралаша олган. Масалан, урф-одатларга кўра, сотилаётган жой, энг аввало, ён қўшниларга, сўнгра яқин қўшнига, улар олмаган тақдирда эса маҳалладошларга, қолаверса, қариндош-уруғларга сотилган.

Н.Ш. - Уй соҳиби ўз ҳовли-жойини бошқа маҳаллада истиқомат қиладиган истаган кишисига сотишга ҳақли бўлганми?

А.Ч. - Ҳа, бундай имтиёзлар ҳам берилган. Фақат шу маҳалладан уй-жойи сотиб олиш учун харидор чиқмаган тақдирдагина бунга йўл қўйилган.

Н.Ш. - Маҳаллани ким бошқарган?

А.Ч. - Маҳаллага аҳолининг умумий йигинида сайланган оқсоқол раҳбарлик қилган.

Н.Ш. - Оқсоқолни сайлаш жараёни қандай кечган?

А.Ч. - Маҳалла йигини ўзининг оқсоқолини сайлаган. Одатда, оқсоқол шу маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган кишилар орасидан сайланган. Эл ишончини қозонган, аҳолини идора этиш тажрибасига эга бўлган обрўли кишилар оқсоқолликка сайланган. Аҳолининг умумий йигини маҳалла фаолиятидаги олий ҳокимият бўлган. Демак, оқсоқолни сайлаш ва уни вазифасидан тушириш умумий йигин ихтиёрида бўлган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, оқсоқол ихтиёрида буйруқ бериш, мажбур этиш ваколати йўқ

эди. Шундай қилиб, маҳаллани бошқариш жараёнидаги барча масалалар маслаҳат, кенгаш йўли билан демократик тарзда ҳал қилинган. Мантиқан кўриниб турибдики, қадимда жамоатчилик бошқарувининг мавқеи жуда баланд бўлган.

Н.Ш. - Манбаларда таъкидланишича, оқсоқолларни маъмурий йўллар билан тайинлаш ҳолатлари ҳам бўлган экан?

А.Ч. - Ҳа, бўлган. Аниқроғи, чор ҳокимияти даврида оқсоқолларни маъмурий йўллар билан тайинлашга йўл қўйилган. Бундан мақсад оқсоқолларнинг ваколатларини чеклаш ҳамда халқ ўртасидаги обрў-эътиборини тушириш эди...

Н.Ш. - Умуман, ўтмишда маҳаллада бошқариш ишлари қай тартибда амалга оширилган?

А.Ч. - Маҳаллани бошқариш қатъий тартиб асосида олиб борилган ва унга халқ томонидан сайланадиган оқсоқол раҳбарлик қилган. Хонликлар замонида маҳаллага амин раҳбарлик қилган. Унга катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Масалан, айрим солиқ йиғиш; мулкӣй ва оилавий низоларни ҳал этиш; қозининг баъзи ҳукмларини ижро этиш; маҳаллада бўшаб қолган ер ва ҳовлиларни расамад этиш; сув ҳавзалари, маҳалла озодалигини таъминлаш ва назорат қилиш; маҳалла осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш; ҳар кўча доирасида ҳал этиладиган масалаларга муносабат билдириш; маҳалла ҳудудидаги савдо муассасалари ишларини назорат этиш ва бошқалар.

Амин хазинадан маош олган, унинг иш вақти чегараланмаган. Маҳалла маҳкамасида мирза (котиб), қоровулбоши, мироб каби кичик даражали мансбдорлар хизмат қилганлар. Маҳалла аҳамиятига эга бўлган масалалар ҳар бир кўчадан сайланган ўнбоши-

лар билан бамаслаҳат ҳал этилган. Хайрия пули, асосан маҳалла бойлари, ўзига туқ кишилардан тўпланган. Амин ва масжид мутаваллиси маҳалладаги етим-есирлар, тул-бевалар, ишсизлар, мажруҳлар ва серфарзанд кишилар рўйхатиғи олиб, ҳайитларда уларга пул, кийим-кечак, бугдой тарқатганлар, мол-қўй сўйиб, хомталашга қўйганлар (сўйилган мол гузарда бирор жойга осиб қўйилган, муҳтожлар ўз эҳтиёжларига яраша гўштни кесиб олганлар). Ҳайит ва жума кунлари дошқозонларда таом пишириб тарқатганлар. Шунингдек, қашшоқларнинг дафн-маросимлари ҳам маҳалла жамғармасидан таъминланган. Маҳалладаги ҳунармандлар касабаларга уюшган, касаблага оқсоқол бошчилиқ қилган. Ҳар бир касабанинг ўз жамғармаси бўлган. Кўриб турганимиздек, маҳалланинг подшоҳликка оғирлиғи тушмаган. У ўзини-ўзи бошқарган, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаган. Маҳалланинг ижтимоий-маданий ҳаёти ҳам ибратли даражада бўларди. Масжид, мактаб, чойхона, меҳмонхона каби муассасалар ўзларининг асосий вазифаларидан ташқари, таълим-тарбия соҳасида катта амалларни бажарганлар. Чойхоналарга машҳур ҳофизлар, воизлар, алломалар, аскиячи ва қизиқчилар таклиф қилиб турилган.

Маҳалла меҳмонхонаси мусофирларга бошпана беришдан ташқари, маҳалла аҳли учун бўш вақтни ўтказиш маскани ҳам эди. Хотин-қизлар учун махсус тўпланиш жойлари бўлмаса-да, улар ҳам бирор-бир хонадонга тўпланиб, дўппи-қийиқ тикиш, жияк тўқиш, чарх йигириш асносида отинбибилардан ибратли қиссалар тинглаганлар, шеърхонлик қилганлар, эртақ айтишганлар, ўйин-кулгу билан турмуш заҳматларини енгганлар.

Н.Ш. - Чор Россияси томонидан юртимизнинг босиб олинishi маҳалла, жамоа бошқарувига қандай таъсир кўрсатган?

А.Ч. - Аввало, бу таъсир масалалари бизда ҳали махсус чуқур ўрганилмаган. Чор Россияси Тошкентни босиб олгунга қадар шаҳарда Чор ҳокимлик тизими мавжуд эди. Тошкент ҳудудий жиҳатдан тўрт - Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳаларига бўлинган бўлиб, маҳаллалар маъмурий жиҳатдан даҳаларга бўйсунарди. Даҳалар ўз навбатида маҳаллаларга бўлинган, 18 асрнинг етмишинчи йилларида уларнинг сони 150 га яқин эди. Тошкентда маҳаллалар маъмурий жиҳатдан даҳалар таркибига кирган, уларнинг сони 19 асрда 200 тага, 20 аср бошларида 260 тага етган. Ҳозирда эса 450 дан зиёд маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Тошкент маҳаллаларининг кўпларида 2-3 тадан масжид мавжуд бўлиб, ҳар қайси масжид ўз қавмига эга эди.

Бухоро шаҳри 220 та маҳаллага бўлинган, ҳар бир маҳалланинг алоҳида масжиди ва қавми бор эди.

Хива шаҳри 20 та маҳаллага (элатга) бўлинган, ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди бўлган.

Маҳалла, гузарлар шаҳар ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиб келди. Улар ҳудуд жиҳатидангина муайян жойни ўз ичига олмасдан, маъмурий ва ижтимоий бўлиниш ҳам ҳисобланади. Шундай қилиб, маҳалла ҳудуд жиҳатидан бирлашган ўзига хос бир жамоа эди.

Катта-катта қишлоқлар ҳам маҳаллаларга бўлинарди. Уларда маҳаллаларнинг сонига қараб бир неча масжид, жомеъ масжиди фаолият юритарди. Умуман олганда, қишлоқларнинг ички тузилиши шаҳар тузилишига ўхшаб кетарди. Ҳар бир каттароқ қишлоқ албатта, маҳалла ёки гузарга бўлинар эди. Қишлоқлар эса жамоа бўлиб бирлашарди. Ҳар бир қишлоқ, жамоаси таркибида ундан ортиқ қишлоқ бўларди. Қишлоқ жамоаси маъмурий туркум ҳисобланиб, ҳар бир жамоага оқсоқол (амин) сайланарди. Қишлоқ аҳолисига солиқларни тақсимлаш, ундириш, жамоа

бажариши лозим бўлган ишларни, масалан, ариқ тозалаш ишларини тақсимлаш жамоа оқсоқолларининг қўлида бўларди. Чор ҳокимияти даврида сиёсий характерга эга бўлмаган ишларнинг кўп қисми оқсоқоллар ва қозилар зиммасига юклатиларди. Улар бу ишларни маҳаллий урф-одатларга мувофиқ ҳал қилардилар. Бу даврда маҳаллий ҳокимият даҳалар орқали маҳаллалар билан боғланган. Юзбоши, минг-бошилар маҳаллий ҳокимият вакили сифатида иш юритишган. Уларни халқ сайлаган.

Чор ҳукумати вакиллари бу жараёни атрофлича ўрганиб чиқиб, бошқарувнинг бу шаклларида ўз манфаатлари йўлида фойдаланишган. Шу тариқа мустамлакачиларнинг идора усуллари бу жараёнга ҳам сингдириб борилган. Қисқаси, маҳаллалар Чор ҳукуматининг сиёсатини жойларда бевосита аҳоли ўртасида амалга оширишда таянч нуқта вазифасини бажарган. Русча тартиб-қоидаларнинг киритилиши оқибатида жамоатчилик бошқарувида устун мавқени эгаллаб келган миллий анъаналар, одатлар четга сурилиб, уларнинг ўрнига европача усуллар «янги»лик тарзида кенг жорий этила борган.

Н.Ш. - Маҳалла шўролар даврида қандай мавқега эга бўлган?

А.Ч. - Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг европача бошқарув услуби жорий этилгач, маҳалла институтларининг аҳамияти пасайтириб юборилди. Номигагина таъсис этилган маҳалла қўмиталарининг вазифалари маълумотнома ёзиб бериш ва оила низоларини кўриб чиқишдангина иборат бўлиб қолди.

Афсуски, бу даврда маҳалла ўзининг ҳақиқий мустақиллигини йўқотди. Совет ҳукумати маҳаллани ўзининг сиёсати ва идора этиш тартибига қатъий бўйсундирган эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими

маҳалла имкониятларидан бир ёқлама, яъни ўз мақсадини амалга ошириш учунгина фойдаланиб келди. 1932 йил 17 апрелда республикамизда биринчи марта Ўзбекистон шаҳарларида маҳалла кўмиталари тўғрисида Низом тасдиқланди.

1961 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети мамлакатнинг шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларида, овуллардаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги янги Низомни қабул қилди.

Н.Ш. - Ушбу Низомда нималар кўзда тутилган эди?

А.Ч. - Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур низомда маҳаллаларнинг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Энг муҳими, маҳалла комитетлари меҳнаткашларнинг ташаббускор жамоа ташкилотлари бўлиб, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ, посёлка ва овулларда ҳам тузилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Н.Шодмонов - Бу ўзига хос янгилик ҳам фақат сўздагина ифодаланган бўлиб, маҳаллалар амалда яна мустақил бўлмасдан қолаверган...

А.Чориев - Ҳар икки низом ўз даври учун муайян янгилик бўлса-да, бу ҳужжатларда ҳам маҳаллалар юридик шахс ҳуқуқини олган эмас. Бундан ташқари, 1961 йили қабул қилинган низомда таъкидланишича, маҳалла комитетлари аҳолининг ташаббускор жамоа ташкилотлари бўлганликлари учун буйруқ ва кўрсатмалар чиқаришга, бирон-бир жазо беришга, жарима солишга ва гувоҳнома беришга ҳақли эмасди. Шунингдек, маҳалла (квартал) комитетлари бирон хил молиявий-хўжалик ишлари (ошхоналар, чойхоналар, сартарошхоналар очиши ва шу каби ишлар) билан шуғулланишга, олди-сотди қилишда, квартираларни ижарага беришда иштирок этишга, шунингдек,

аҳолидан пул йиғишга ҳақли эмасдилар, деб ёзиб қўйилган эди, Республикада маҳаллалар мана шу метёрий ҳужжат асосида тор доирада ишлаб келди.

Республикада ўз давлат мустақиллигига эришмасдан бир йил илгари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети томонидан (1990 йил 7 сентябрь) «Тошкент шаҳридаги маҳалла кўмиталари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Бу ҳужжат ўша давр учун жуда катта янгилик эди. Жумладан, унда «маҳалла кўмиталари - аҳолининг маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич идораси» сифатида тан олинган. Мазкур Низомга асосан маҳалла кўмиталари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлди. Маҳалла кўмиталарининг ваколатлари ҳам анча кенгайтирилди.

Н.Ш. - Мустақиллик шарофати билан маҳаллалар ҳуқуқий жиҳатдан нималарга эришди?

А.Ч. - Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлганидан кейин унинг янги Конституциясида маҳаллалар мутлақо янги мавқега кўтарилди. Яъни, Асосий Қонунимизнинг 105-моддасига биноан маҳалла ўз тарихида биринчи марта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Бу нарса «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун орқали (1993 йил, сентябрь) янада мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳаёт тақозосига кўра, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун (1999 йил, 14 апрель) қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги мазкур қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва

анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда маҳаллалар тегишли ҳудуддаги иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий, сиёсий муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида амалий жиҳатдан ҳал этишда ҳокимликларнинг энг ишончли бўтини, таянчига айланди.

Маҳаллалар ўзининг ташаббуси билан ўз ҳудуддаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли манфаати йўлида кўпгина амалий ишларни мустақил равишда бажариш имкониятига эга бўладилар.

Амалдаги қонунларга биноан маҳалла эндиликда юридик шахс сифатида ўзининг мол-мулкига, молиявий бюджети (ўзининг банкдаги ҳисоб-китоб рақами)га - жамғармасига эга бўлди.

Маҳалла эндиликда ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалла аҳлига - муҳтож кишиларга бепул бериши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Муҳтож оилаларга турар жой, ер участкалари бериш, ўз ҳудудидаги уйларни алмаштириш, ўзининг мулкани ижарага бериш, ижарага олиш, аҳолининг ҳисобини юритиш аҳолига паспорт бериш, аҳолини рўйхатга олиш ва рўйхатдан ўчириш ҳужжатларини тасдиқлайди. Маҳалладаги турар жойларнинг олди-соттисига розилик беради. Жой номларини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади. Шунингдек, маҳалла ҳудудида қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини олиб бориш, маиший-маданий хизмат, савдо шаҳобчаларини ташкил этиш маҳалланинг бевосита розилиги билан амалга оширилади. Маҳал-

ладаги савдо, маиший хизмат шохобчаларини хусусийлаштиришда маҳалланинг розилиги олинади. Маҳалла жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорларини, сайловчиларнинг топшириқ (наказ)ларини ижро этишда кўмаклашади. Сайловчиларнинг депутатлар билан учрашувларини ташкил қилади. Ўз ҳудудида миллий анъаналарни қайта тиклаш, турли-туман маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда кенг миқёсда кўмаклашади.

Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига аввал давлат органлари амалга ошириб келган айрим ваколатлар босқичма-босқич берилмоқда. Эгасиз мол-мулкни, шунингдек, мерос тарзида давлатга ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўриш, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни хабардор қилиш, солиқ, сугурта, коммунал тўловлар ва бошқа тўловларни йиғишда кўмаклашиш, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш, ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп бодали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, фуқаролик ҳолати ва далолатномаларни рўйхатга олиш, шунингдек, аҳоли пунктларида нотариус бўлмаган ҳолларда васиятномалар, ишончномаларни тасдиқлаш, меросга оид мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларни эшитиш, тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Н.Ш. - Ўтмишимизга назар ташласак, жойларда

жамоатчилик таъсири мавжуд қонун-лардан кўра кучлироқ бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг сири нимада деб ўйлайсиз?

А.Ч. - Қадимда, яқин ўтмишда ҳам маҳаллада жамоатчилик таъсири мавжуд қонунлардан кўра кучлироқ бўлганлигини тасдиқловчи далиллар бор. Бу бежиз эмас. Бу нарса, бир томондан, халқимизнинг миллий урф-одатлари, табиати билан ҳаётидир. Маҳалла, жамоадаги маънавий муҳит кишиларга катта таъсир кўрсатган. Бу нарса узоқ йиллар тажрибадан ўтиб, ўз самарасини берган. Оқсоқолнинг раҳбарлик салоҳияти маҳалладаги маънавий муҳитга таъсир кўрсатган.

Н.Ш. - Инсоният тарихига назар солганимизда, киши-лик жамияти ривожланган сайин бошқарувнинг жамоатчилик шаклининг нуфузи борган сари камайиб, маҳалла-жамоа бошқаруви доирасида олиб бориладиган ишлар ҳам жамият тараққиётига мос равишда тобора торайиб борганлигини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

А.Ч. - Инсоният цивилизациясининг дастлабки босқич-ларида, ҳақиқатан ҳам, бошқарувнинг жамоа шакли устунлик қилган ва бу ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий, тарихий шарт-шароитлар доирасида олиб борилган. Жамият ривожланиб борган сайин унинг бағрида етилган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатлар ҳам муттасил ўзгариб турган. Бу ўзгаришлар жамиятни бошқариш ишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Яъни, базисга қараб устқурма ҳам ўз шакл-ларини ўзгартириб борган. Давлат маҳаллий жамоа бошқарувини иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан чеклаб қўя бошлаган. Юзага келган янги ижтимоий муносабатлар бу бошқарув усуллариининг кенг кўлам-даги ривожланиши учун

имкон бермаган. Лекин қанчалик бўлмасин, кишилар турмушга чуқур сингиб кетган анъаналар, урф-одатларни унутиб юборишмаган. Бу анъаналар, гарчи тор доирада бўлса-да, қўлланиб келинган. Маҳаллачилик, удумлари, анъаналари гарчи ёзилмаган, қонунлаштирилмаган бўлса-да, халқнинг онг-шуурида, руҳиятида узоқ йиллар яшаб келган, яъни одат тусини олган. Айни пайтда уларнинг мева-ларидан баҳраманда бўляпмиз.

Н.Ш. - Республикамизда фуқаролар жамияти барпо этилмоқда. Яъни, давлат органлари ўзининг баъзи бир функцияларини босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклаб боради. Шу жараённинг келажагини қандай тасаввур этасиз?

А.Ч. - Фуқаролик жамиятининг асосий хусусият-ларидан бири шуки, давлатни идора этиш ишларида қонун устуворлик қилади ва бу жараёнда жамоат ташки-лотлари кенгроқ иштирок этади. Яъни, у ёки бу маса-лани ҳал қилишда халқнинг ўзи бевосита қатнашади. Бу нарса маҳаллада кўпроқ намоён бўлади. Қисқаси, истиқлол шарофати билан маҳалла аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ўзини - ўзи бошқариш тизимининг бош бўғини сифатида маънавий, маърифий, сиёсий, мафкуравий жиҳатдан энг ҳаракатчан органга айланиб бормоқда. Маҳалла ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий пойдевори ва таянчи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажараётган кўпгина вазифаларни ўз зиммасига оляпти. Маҳаллалар келгусида ҳозиргидан ҳам мавқеи. Омманинг ўзини ўзи бошқарув органи халқнинг хоҳиш-иродасини бевосита ифода этувчи энг демократик муассасага айланади. Бунга ишончимиз комил.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли мамла-катимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида беқиёс ўзгаришлар

рўй бермоқда. Зотан, биз танлаган йўл, барпо этаётган жамият умумжаҳон цивилизациясига, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги халқаро андозалар, меъёрларга, бошқа халқлар тажрибаси билан уйғун бўлиб, миллий анъаналаримизга асосланади. Бу борада, айниқса, маҳалланинг аҳамияти ғоятда ўзига хосдир.

Манбаларда қайд этилишича, маҳалла шарқона демократиянинг мумтоз кўриниши бўлган. Яъни, қадим замонларда мамлакатимиз ҳудудда ўзини ўзи бошқариш тизими маҳалла тарзида амалга оширилган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, маҳалла усулида ўзини ўзи бошқаришнинг бир қанча афзалликлари бўлган. Бу жиҳатлар ҳамжиҳатлик, жамоатчилик фикрининг устуворлиги, одат ва анъаналарни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этишда яққол намоён бўлган. Ўзаро ишонч, адолат туйғуси ушбу демократиянинг асосий мезонлари ҳисобланган. Маҳалла ҳаётида урф-одатлар устувор бўлган, яъни жамоани идора этишда ёзилмаган тартиб-қоида, анъаналарга қатъий риоя қилинган. Бошқариш тизimini кенгашнинг изму ихтиёрида бўлган. Маҳалла доирасидаги демократиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, жамоани идора этишда одат, анъаналар қонуний кучга эга бўлган. Ҳуқуқий муносабатлар ахлоқ негизига қурилган бўлиб, оқсоқоллар обрў-эҳтиром ва намуна кўрсатиш йўли билан одамларга таъсир ўтказа олган. Маҳаллада мажбур қилиш воситаси бўлмаган. Маҳаллада урф-одатлар, анъаналарга қатъий амал қилиш шарт бўлган. Демак, маҳалла шарқона демократия мактабининг бешиги сифатида маълум ва машҳурдир. Мустақиллик шарофати билан маҳаллага конституциявий мақом берилиб, унинг фаолияти янгича мазмун билан бойитилди.

Юртбошимиз Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз

энди ўзини ўзи бошқарув усулини жорий этамиз. Маҳалладан қишлоққача ўзини ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур», дея барчанинг эътиборини маҳаллага қаратгани бежиз эмасди. Президентимиз маҳалланинг жамият тараққиётидаги ўзига хос мавқеини яна шундай баҳолаган эди: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳаллаларсиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимиз турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир, бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим». Асосий Қонунимизга асосан мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бўлинишининг энг қуйи поғонасида давлат органлари ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил қилинди. Шунингдек, шаҳарлардаги маҳаллаларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилди. Маҳаллага фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий мақом берилди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан маҳалла яна жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти саҳнасига кўтарилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклида амалга оширилмоқда. Яъни, маҳалла зиммасига давлат ҳокимияти идоралари бажариб келган вазифалар босқичма-босқич юклатиб келинмоқда.

Мазкур қонун қабул қилинганидан буён фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар ҳамда ваколатлар доираси изчил равишда кенгайтириб бориляпти. Бошқача айтганда, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий дастурни амалга оширишда маҳалла бошқарувининг таянч поғонаси тарзида бевосита иштирок этмоқда.

Ушбу дастурга асосан, маҳаллаларнинг наинки ўз ҳаётини, балки бутун жамият ҳаётини бошқариш ҳамда ташкил этишда иштироки янада кенгайдик, бу фуқаролик жамияти тамойиллари талабларига тўлақонли жавоб беради.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида таъкидланишича, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши - фуқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Демак, маҳалла ўз ҳудудидаги муаммоларни (ваколатлари доирасида) мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари (демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам)нинг алоҳида кўрсатиб ўтилгани бу тизимнинг истиқболига катта ишонч билан қаралаётганидан дарак беради.

Кези келганда яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Янги таҳрирдаги мазкур қонуннинг 7-

моддасига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидан ажратилди. Бу билан фуқаролик жамияти сари ўтишда яна бир муҳим довон қўйилди. Ушбу қоида ҳаётнинг талаби ҳамда бу борада тўпланган тажрибалар асосида ҳаётга татбиқ қилинди.

Демак, маҳалла маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил равишда кўриб чиқади ва ҳал этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилади. Жумладан, ўз фаолият дастурини, харажатлар сметасини, ҳудудини ялпи ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлаш; қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш; тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар бериш; йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг маҳалла фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш; кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этиш ва бошқа ваколатларни амалга оширади. Энг муҳими, бу ваколатлар демократик тамойил ва мезонлар асосида коллегиял тарзда амалга оширилади. Маҳалла ўзининг мана шу жиҳатлари билан халққа ниҳоятда яқин туради.

«Асрлардирки, ўзбек миллий табиатига жамоавийлик хосдир,- деб ёзади таниқли олим Леонид Левитин. - Агар одамлар бирдамлик туйғуси билан кўтаринки кайфият туйсалар, тенг ва адолат асосида ўз меҳнати ва маблағини умумий ишга қўшсалар, бунда фақат инсоний ор-номус ва маънивиятнинг юксак даражада намоён бўлмоғи мумкин».

Олим ўз фикрини давом эттириб, яна шундай

дейди: «Маҳалла ўзбек жамиятида жамоавий ишнинг олий чўққиси саналади. Маҳаллий ҳокимиятларнинг, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ташкилий шакли сифатида маҳалла асрларни қаритди, ўзбек тарихининг тегирмонларидан бутун чиқди. Бутунги кунда унда бир неча ўнлаб авлодларнинг бебаҳо тажрибалари жо этилган. Ҳаётий қувват уни тарк этмади».

1994 йилдан буён пойтахтда шаҳар ҳокимининг қарорига асосан маҳалла йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида шаҳар ҳокимлиги маҳкамаси ҳузурида маҳалла оқсоқоллари маслаҳат кенгаши тузилди. Кейинчалик туман ҳокимликлари ҳузурида ҳам шундай кенгашлар тузилди. Шаҳар оқсоқоллари маслаҳат кенгаши ўз фаолиятида маҳаллалар ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. 1999 йилда эса республика оқсоқоллар маслаҳат кенгаши тузилди. Шу тариқа фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзига хос тизими шакллантирилди. Бу ҳолат янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари гўғрисид» ги қонунда ҳам ўз қонуний ифодасини топди.

Юртбошимиз Асосий Қонунимизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди. Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан ҳаётидир. Бу муносабатларнинг барчаси гўят ўзига хос, сирли бир оламки, уларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди.

Маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, унинг ижобий асосда шаклланишига назорат билан таъсир ўтказишда маҳалладек

идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Дарвоқе, маҳалла ҳақли равишда халқаро миқёсида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ўзбекона мўъжизаси, деб эътироф этилмоқда. Зотан, маҳалла шундай бир сеҳрли оламки, унинг бағрида инсон ўзининг ҳар жиҳатдан бутун ва мағрур хис этади. Шу боис маҳалла кишини ўзига оҳанграбодек чорлай-веради.

Мамлакатимизда маҳалла тимсолида маҳаллий ҳокимият органлари қуйи поғонасининг ўзига хос органлари шакллантирилди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Ушбу тизим халқимизнинг кўп асрлик тарихий анъаналари ҳамда руҳиятини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Президентимиз таъкидлаганларидек, агар маҳалла жамиятимизда ўзининг тегишли ўрнини эгалласа, агар маҳаллада тинчлик ва осойишталик бўлса, бизнинг ҳамма нарсаса курбимиз этади... Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла фуқароларни табиий равишда давлат билан мустаҳкам боғлаб турувчи, жамоатчилик манфаатлари ва иродасини ўзида ажойиб тарзда мужассам эгувчи бирдан-бир демократик муассаса сифатида фаолият юритмоқда. Ўзбекистоннинг бу борада танлаган йўли «энг ишончли йўл», «келажакка элтувчи йўл» дея эътироф этилмоқда.

Ижтимоий қадриятлар макони, шарқона демократия мактабининг бешиги бўлган маҳалланинг истиқболи порлоқ эканини янги йилнинг «Обод маҳалла йили», деб эълон қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги дастлабки тажрибаларнинг маҳалла тизими орқали намоён бўлаётгани ўзбекона демократиянинг истиқболидан дарак беради.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
1. Исломий байрамлар ва урф-одатлар	5
2. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мусулмонларига табриги.....	29
3. Қадриятлар - миллий давлатчилигимиз сарчашмаси	35
4. Дин - муқаддас қадрият.....	49
5. Маҳалла - ижтимоий қадриятлар маскани.....	60

Илмий нашр

Аҳмад Чориев

**МАЪНАВИЯТИМИЗ
САРЧАШМАЛАРИ**

ўқув қўлланма

Ўзбек тилида

Қарши Давлат университети Илмий Кенгаши-нинг
2004 йил 30 апрелдаги қарорига асосан нашрга тавсия
этилган

Муҳаррир: Т. Тиллаев
Техник муҳаррир: М. Раҳматов

ИБ № 0768

Теришга 14.05.2004 йилда берилди. Босишга 3.06.2004 йилда
рухсат этилди. Бичими 80х1041/16. Офсет усулида чоп этилди.
Шартли босма тобоғи 5,85. Шартли кр.отт. 5,78. 150 нусхада. Эркин
нархда.

Қарши шаҳри «Насаф» нашриёти. 730018 Мустақиллик шоҳ
кўчаси, 22-уй.

Қарши Давлат университети кичик босмахонасида босилди.
Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17- уй.